

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ**

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш

(методик қўлланма)

Тошкент – 2010

Ушбу методик қўлланмада ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича таълим жараёнида ва мактабдан ташқари тарбиявий жараёнда олиб бориладиган ишлар ва уларнинг қиёсий таҳлили ҳамда шакл ва усуллари баён қилинган. Қўлланманинг асосий мақсади – мактаб ўқитувчилари ва ота-оналарга ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш усуллари самарали амалга оширишда методик ёрдам кўрсатишдан иборат. Қўлланмадан мактаб, мактабдан ташқари таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг педагог ходимлари ва ота-оналар, шунингдек мустақил таълим олувчилар фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф:

Н.Нагметова А.Авлоний номидаги
ХТХҚТМОМИ илмий тадқиқотчиси

Тақризчилар:

О.Жамолдинова п.ф.н., доцент
Н.Йўлдошева п.ф.н., доцент

Масъул муҳаррир:

О.Мусурмонова. п.ф.д., проф.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти Илмий кенгашининг 2010 йил 29 май 4-сонли баённомаси билан нашр қилишга тавсия этилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлодни ватанимиз шарафини юксак чўққиларга кўтарадиган, мард, жасур, ватанпарвар, ривожланган мамлакатлар ёшларининг қобиляти ва билим даражаси билан беллаша оладиган баркамол авлод бўлиб етишишига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Шарқда оила, ватан ҳимояси йигитлар зиммасидаги шарафли бурч ҳисобланади. Шунинг учун йигитларни туғилгандан бошлаб жамият, халқ, ватан равнақи учун ҳам маънавий, ҳам жисмонан тайёрлаш ҳар бир ота-она, ўқитувчи-мураббий, кенг жамоатчиликнинг вазифаси ҳисобланади. Жамият тараққиёти учун хизмат қилиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ватан сарҳадларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда йигитларнинг масъулияти янада ортиб бормоқда. Йигитлардаги бундай юксак сифатлар айниқса, уларнинг ўсмирлик даврида фаол шаклланади.

Президент И.А.Каримов ҳар қандай одам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида, жамиятда муносиб ўрнини топиши кераклигини айтиб, шундай деган эди: “Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади”¹.

Шундай экан, нафақат қизларни, балки йигитларни ҳам ҳаётда ўзига муносиб ўрин топиши учун ўсмирлик чоғидан мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим. Бугунги кунда баркамол инсонни тарбиялаш соҳасида фақат ўқитувчигина эмас, ота-оналар, ҳатто кенг жамоатчилик ҳам фаол қатнашиши зарур. Демак, бугунги кунда ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, яъни билимли, кучли, соғлом, ботир, ватанпарвар, жасур ва касб-корга эга этиб тарбиялаш борасида илмий-педагогик тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Баркамол авлод орзуси. Т.: “Шарқ” 1999.-42 б.

Ўсмир йигитлар мустақил ҳаётга тайёр бўлиши учун, аввало, улар етарли билим олиши, ҳаётий малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Ўсмирлик даври инсоннинг болаликдан ўспиринликка ўтиш даври ҳисобланади. Бу давр психологик-педагогик нуқтаи назардан “ўтиш даври”, “оғир давр”, “ўзгариш, шаклланиш даври” ҳисобланади. Ўғил болаларда 11-15 ёшдан ҳар жиҳатдан балоғатга етишнинг бошланиш босқичи юз беради. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун – моҳияти ҳам ўзгаради. Ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил ҳолатлар ҳам кузатилади. Уларнинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Қизиқишлар тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз “мен”и ва “мен”нинг аҳамияти ортади².

Тарбияда ўсмирни ана шу ёшда қандай ривожланиш даражасига эришганлигигагина эмас, балки ана шу жараёнга таъсир этиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Зеро, ҳар бир ёш босқичида инсон олдида қатор вазифалар қўйилган бўлиб, уларнинг ҳал этилиши ўсмир шахсининг ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Бола тарбиясига ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш унинг ривожланишидаги физиологик-психологик, ижтимоий жиҳатларига тегишли қонуниятлардан фойдаланган ҳолда тарбияланувчилар гуруҳининг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда ёшига мувофиқ бўлган шарт-шароитларни ҳисобга олишдан иборатдир.

Ўсмир ўғил болалар балоғат ёшига етаётганда жисмоний жиҳатдан ривожланган бўлса-да, маънавий жиҳатдан ҳали етилмаган бўлади, уларнинг

² 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Психол. ф.д.,проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида (ЮНЕСКО, ЮНПФА лойиҳаси асосида) -Т.: Меҳнат, 2001.-47, 48, 63 бетлар.

организмида жисмоний ва психик кўрсаткичларнинг ривожланиши бир текисда бўлмай, дисгармония (нормофиклик) ҳодисаси рўй беради. Ана шу жараён атрофдаги одамларнинг ноғўя ҳатти-ҳаракатлари, ўқув фанларини ўрганишда ўғил болалар тарбиясига доир билимларнинг талаб даражасида берилмаслиги, ота-оналар болаларнинг ёш хусусиятлари, жинсий тарбияси ҳақида билимга эга эмаслиги ўсмир йигитларда айрим салбий одатларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бунга асосан, ўсмир йигитлар тарбиясига доир методик таъминотнинг етишмаслиги сабаб бўлиши билан бирга, энг муҳими эса, йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш муаммоси ўз ечимини топмаётганлигидан далолат беради.

Демак, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан саналади. Чунки, ўсмир йигитлар мамлакатимиз келажаги, жамиятнинг фаол фуқароси, бўлажак оила бошлиғи ва ғамхўр отадир. Шу муносабат билан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш муаммосини илмий-педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги таълим – тарбия соҳасидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

I – БОБ. ЎСМИР ЙИГИТЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари

Мамлакатимизда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни билимли, жисмонан ва маънавий соғлом, баркамол инсон этиб шакллантириш бугунги замон талабидир. Фарзанд дунёга келиши билан уни тарбиялаш, ижтимоий, маънавий муҳофаза қилиш лозим.

Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш назарий ҳамда амалий жиҳатдан ҳамма вақт муҳим ва мураккаб муаммолардан саналиб келинган. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга ҳозирги талаблар даражасида тайёрлаш учун уларни эркин фикрлайдиган, ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод, оилада, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатини билдира оладиган, ўзининг илғор фикрлари, намунаси билан оила аъзолари, синфдошлари, дўстларига таъсир қила оладиган, интеллектуал ривожланган, тиришқоқ, билимли, касб-хунар соҳиби, жасур ва одобли шахслар сифатида шакллантириш назарда тутилади.

Бунинг учун мамлакатимиз таълим тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир йил маълум бир ном билан аталиб, махсус Давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Бу дастурлар ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2001-йил Ўзбекистон Республикасида «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорида: “..... ҳар томонлама жисмоний соғлом, маънавий етук ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усуллари қўллаш асосида қатъий билимларни, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги,

жаҳон маданияти билан кенг таништириш; энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш” кўрсатиб ўтилган. Бу албатта, биринчи навбатда йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш муаммоларини ҳам ҳал этишни тақозо этади.

Ҳақиқатан ҳам ёшларга педагогика ва психологиянинг замонавий усуллари қўллаш асосида мукамал билимлар бериш ҳамда уларда эркин фикрлашни шакллантириш, анъана ва урф-одатларимиз асосида Ватанга садоқат руҳини тарбиялаш замирида мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳар бир ўқитувчи ва жамоатчиликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай экан, фарзанд тарбиясининг дастлабки босқичидаёқ ўсмирларни келажақдаги мустақил ҳаётда ўзини-ўзи бошқара оладиган, ўз даврининг муносиб кишиси бўлиб етишиши учун ўқитувчи ва ота-она масъулдир. Ота – фарзанд тарбиясида масъулиятнинг биринчи навбатида туради. Бола то балоғатга етгунча ўша масъул ҳимоясида бўлади. Агар бола ақлан заиф ёки жисмонан ҳимояга муҳтож бўлса, у ҳолда балоғат ёшига етганда ҳам масъул қўл остида бўлади. Иккинчиси, фарзанд ҳаётида унинг келажаги учун энг муҳим, келажақдаги ким бўлишини белгилайдиган босқичдир. Чунки бу босқич фарзанд учун илм, ҳунарга эга бўладиган, жамият учун фойда келтирадиган, жамиятнинг бир аъзоси сифатида камол топадиган даврдир. Ҳақиқатан ҳам биринчи босқични амалга оширмасдан, иккинчи босқичга ўтиш мумкин эмас. Шундай экан, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ота вазифаси катта аҳамиятга эга. Отанинг оиладаги мавқеи – фарзандлар учун, айниқса ўғил болалар учун жасорат сабоғи. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда баъзи ўғил болалар айниқса, қишлоқ жойларда ўзининг қобилиятини намоён қилишга тортинчоқлик қилади. Бу жараёнда кўпинча қизлар етакчи ўрин эгалламоқда. Ўғил болаларга нисбатан қизлар мактабда ҳам жамиятда ҳам устунликка

эришмоқда. Бунинг сабабини педагог олим Т. Қурбонов «Ота бўлиш осонми» номли китобида қуйидагича изоҳлайди: ўғил бола 3 ёшгача оилада ота-она тарбиясида бўлади. Бола 3 ёшдан бошлаб боғчага боради, у ерда 4 йил аёл киши қўлида тарбия олади. Боғчадан сўнг мактабга боради. Бу ерда ҳам бошланғич синфда яна 4 йил аёл ўқитувчи, 5-9-синфларда ҳам деярлик аёллар қўлида таълим-тарбия олади. Демак ўғил бола айтиб характер шаклланиб, ҳаётга тайёрланадиган 13-14 йил ёш даврини аёллар қўлида, аёллар тарбиясида ўтказди. Бундан шу нарса аён бўладики, аёлларга хос тортинчоқлик, итоаткорлик, уятчанлик каби хислатлар ўғил болаларда ҳам шакллана боради. Айниқса, юқорида айтиб ўтилганидек, ўғил болада тортинчоқлик устун бўлади. Уларда эркак кишидаги жасурлик, ботирлик, қаттиққўллик, чидамлилиқ ва эпчиллик етишмайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўғил болани мустақил ҳаётга тайёрлашда ота намунаси ва она меҳри қўшиб берилиши зарур. Чунки халқимизда «Отага қараб ўғил ўсар, онага қараб қиз ўсар» деган мақол бор. Шу сабабли мактабда педагоглар сафида эркак ўқитувчиларнинг салмоғини янада ошириш давр талабидир. Тадқиқот ишларининг кўрсатишича, йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг энг самарали даври бу уларнинг ўсмирлик даври ҳисобланади. Уларнинг мустақил ҳаётга тайёрлигини белгиловчи ахлоқ мезонлари мавжуд бўлиб, у педагог олимлар томонидан турлича талқин этилади.

Жумладан, В.А.Сухомлинский ўсмир йигитларда уч нарсани; «йигитлик бурчи, йигитлик масъулияти ҳамда йигитлик номуси» ни таркиб топтириш зарурлигини эътироф этади.

Ҳақиқатан ҳам ўсмир йигитлар онгида бурч, масъулият ва ор-номус тушунчаларини таркиб топтириш-бу келажақда яхши ўғил, ғамхўр ота ва ишончли дўст ҳамда ҳақиқий инсон ва фуқарони тарбиялаш демакдир.

Психолог олимлар М.Г.Давлетшин, Л.И.Божович, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, В.Каримова, Б.Қодиров, М.Умарова, А.Қодировалар тадқиқот ишларида болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш,

ўсмирларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ривожланиши муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борганлар.

Ёшлар ва ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича педагоглар А.Қ.Мунавваров, О.Мусурмонова, М.О.Иномова, М.Абдуллаева, Д.Холиқов, Т.Қурбонов, Ф.Хидирова, М.Махмудовалар ўз тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Психолог олимлар ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни очиб берар экан, ўсмир шахсининг шаклланишига ижтимоий омиллар кучли, биологик омиллар эса билвосита таъсир кўрсатади, деб таъкидлайдилар. Ижтимоий омилларга: умумтаълим мактабида ўқиш ва бу билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятидаги, ўқувчи ва ўқитувчилар билан мулоқотдаги ўзгаришлар; мустақил ва амалий ишларни кўпроқ бажариш натижасида боланинг оиладаги ўрни ҳам ўзгариб бориши; жисмоний ва ақлий имкониятларининг ўсиб бориши муносабати билан унга кўпроқ ишонч билдира бошланиши киради. Биологик омилларга: жинсий етилишнинг бошланиши, шунингдек, барча аъзоларнинг ривожланиши киради.

Бола тарбиясида жинслар характери, оила турлари, ота-оналарнинг ижтимоий келиб чиқишига эътибор бериш тарихий характер касб этади. Жумладан, қиз бола тарбиясида онанинг, ўғил бола тарбиясида отанинг роли етакчи ўринда бўлиб келади. Ўзбек оилаларида қизларнинг ҳаёли-иболи, уятчан, тортинчоқ, итоаткор, ён босувчи, оила бошлиғи эрнинг талабларига бўйсунувчан; ўғил болаларнинг эса кучли, жасур, ғайрат-шижоатли, тадбиркор, ҳукмдорлик қобилиятлари шакллантирилади. Ўзбекистон Конституциясига биноан эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуққа эга бўлишларига қарамасдан, уларнинг жинслараро хусусиятларида, оила, жамиятдаги вазифаларида, касбий муносабатларида фарқлар мавжуд. Буни Ғарб фалсафасида маскулизм ва феминизм йўналишларида илмий талқин этилади.

Маскулизм-эркакларга хос булган кучли, иродали, қатъиятли, куч-қудратни намоён этишга интилувчан, таваккалчи, қаттиққўл каби

хусусиятларни намоён этиши билан, феминизм аёлларга хос бўлган бўйсунувчанлик, итоаткорлик, таъсирланувчанлик, ҳамдардлик билдиришга, қайғуришга мойиллик хусусиятларни умумлаштиради.

Бизнинг назаримизда ўғил ва қиз бола тарбиясида умумийлик билан бир қаторда хусусийликни ҳам назарда тутмоқ зарур. Бу ўринда:

- оилада отанинг ёки онанинг роли қай ўринда эканлиги;
- оила аъзоларининг қизга ёки ўғилга бўлган ишончи, меҳри даражаси;
- ўсмирга дўстлар муносабати, дўстлар, синф жамоаси ичидаги ўрни;
- ўғил боланинг қандай оилада ўсаётганлиги (тўлиқ, нотўлиқ, тинч, нотинч, тадбиркор, зиёли, кўпмиллатли ва бошқа оилалар);
- ўсмирнинг қобилияти, майли, қизиқиши, интилиши, ўқишга, ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан муносабати;
- ўсмир ўсаётган оиланинг жамиятда тутган ўрни муҳим рол ўйнайди.

Педагог олима Ю.Шаамирова нотўлиқ оилаларда ўсмирларни миллий-маънавий тарбиялаш муаммосини тадқиқ этар экан, у шундай илмий фикрларни илгари суради: биринчидан, оилада қизни оналикка-онаси, ўғилни оталикка-отаси намунасидан, ибрат кўрсатиш жараёнида тайёрлаб боради. Бу келажакдаги янги оиланинг маънавий муҳитини, маънавий тарбия мазмунини белгилаб беради. Иккинчидан, оилада отанинг ёки онанинг йўқлиги келажакда қатор маънавий муаммоларни келтириб чиқаради. Булар:

- онасиз ўсган ўғилда: дағаллик, қўполлик, хотин-қизлар билан муомала қила билмаслик, меҳрни ифодалай билмаслик ҳамдард бўла билмаслик ва бошқаларда.
- онасиз ўсган қизда: майинлик, ҳамдардлик, уқувлилик, рўзғор тута билиш, назокатлилик каби фазилатларнинг нотўқислилигида;

- отасиз ўсган ўғилда: эзмалик, ғийбатчилик, мижғовлик, иккиюзламачилик, майдагаплик, йирик ишларни қилишга лаёқатсизлик, беқарорлик каби сифатларнинг пайдо бўлишида;

- отасиз ўсган қизда: ожизлик, йигитлар билан, умуман эркаклар билан мулоқот қила билмаслик, одамовилик, чўчиш, кўрқоқлик, масъулиятни олабилмаслик каби сифатлар мавжуд бўлади. Бу эса нафақат нотўлиқ оилада, балки уларнинг бўлажак оилаларида ҳам намоён бўлиб, уларнинг бўлажак фарзандларига ҳам маълум даражада маънавий зарар етказади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялашнинг таркибий қисми бўлиб, аввало у соғлом турмуш тарзини шакллантириш негизида қарор топади.

Педагог олима Д.Шарипованинг фикрича; ўсмирни соғлом турмуш тарзи асосида мустақил ҳаётга тайёрлашда соғлом турмуш тарзининг қуйидаги компонентларига эътибор бермоқ лозим: иродани чиниқтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ўз ичига олувчи фаол ҳаракат тартиби; меҳнат қилиш, дам олиш ва овқатланиш режими, яъни кун тартибига риоя этиш; шахсий ва умумий гигиена талабларига риоя қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (экология ва саломатлик); бахтсиз ҳодиса ва жароҳатлардан огоҳлантириш; зарарли одатлардан сақланиш; тўғри жинсий тарбия; атрофдагилар билан оқилона муносабат; шунингдек, барча санаб ўтилганларнинг замирида меҳнат ётишини, меҳнат инсоннинг тарбияланишида асосий воситалардан бири бўлиши мумкинлигини тарбияланувчилар онгига сингдириш учун ҳаракат қилмоқлари зарур.

С.Йўлдошева эса оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда соғлом турмуш тарзи мазмуни қўйидагилардан таркиб топмоғи лозимлигини илмий асослайди: оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлиги: ёши, маълумоти, дунёқараши, оила аъзоларида маънавий-ахлоқий хислатларнинг шаклланганлиги; оиланинг моддий-иқтисодий таъминот даражаси; оилада тиббий-гигиеник талабларнинг бажарилиши

даражаси; оилада фарзанд тарбияси бўйича мавжуд педагогик ва психологик омиллар даражаси; оиланинг маҳалла, жамоатчилик, мактаб билан ҳамкорлиги; оилада миллий урф-одат ва қадриятларнинг ўрни ва бошқалар.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда китобхонлиkning роли ниҳоятда катта. Айниқса, ўсмир ҳаётида китоб уни мустақил фикрлашга, кенг дунёқарашга, ижтимоий фаоллигини оширишга, эътиқодли, ватанга садоқатли бўлишга ўргатади. Булар унинг мустақил ҳаёт кечиришида асосий маънавий мезонлар ҳисобланади. Ўсмирларни китобхонлик асосида ҳаётга тайёрлашда ота-оналар, ўқитувчи-тарбиячилар фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, улар ўсмир йигитлар тарбияси учун ҳам тааллуқлидир.

С.Чинниева уни қуйидагича тасниф этади: ўсмирнинг ёши ва тайёргарлик даражасига мос китобларни танлаш; оилада китоб захирасини ҳосил қилиш; оилада болаларнинг китоб ўқишини кузатиш ва китоб ўқишни тизимли ташкил этиш; оилада ўсмирларда китобга меҳр уйғотиш ва китобларни авайлаб-асраш кўникмасини ҳосил қилиш; китоб ўқишнинг самарали метод ва усулларида фойдаланиш; ўқилган китобларни ҳисобга олиб бориш ва улар ҳақидаги фикрларни аниқлаб бориш; китоб ўқишни босқичма-босқич олиб бориш; болаларни ўқиган китоблари юзасидан фикр юрита олишга ўргатиш; ўсмирни китоб ўқишга мажбур қилиш эмас, уларда хоҳиш-истак уйғотиш; ўсмирлар китобхонлигини ташкил этишда оила↔мактаб↔оила тизимини яратиш кабилардан иборатдир. Бизнинг назаримизда, мазкур тамойиллар сирасига китоб ўқиш ва танлашда ота-она, ўқитувчи намунаси; электрон кутубхоналардан самарали фойдаланиш; ўқилган асарлардаги илғор фикрларни ўз ҳаётларида амалиётга татбиқ этишга ўрганиш каби тамойилларни ҳам киритиш зарур.

Маълумки, ўсмирлик ёшига ўтаётган даврда айниқса ўғил болаларнинг хулқ-атворида салбий аломатлар ҳам рўй беради. Масалан, қайсарлик, ўжарлик, ўз камчиликларини тан олмаслик, ўқитувчининг айтганини ўз

вақтида бажармаслик каби одатлар ўқитувчига анча қийинчилик туғдиради. Ўқитувчи ўз педагогик маҳорати билан ўсмир ёшидаги ўғил болалар ёмон йўлларга тушиб кетмаслиги учун олдини олиши керак. Шу боисдан педагог ўқувчининг фақат хулқ-атвориға ва ахлоқиға баҳо бермасдан, психологик сабабларини ҳам билиши зарур.

Дэвид Майерснинг фикрича, жинсий тафовутлар ўсмир ёшидан намоён бўла бошлайди. Хусусан, ўғил болалар мустақилликка, қизлар эса ўзаро боғлиқликка интиладилар. Шунинг учун ҳам ўсмир ўғил бола ўз оиласида кўпроқ мустақилликка бўлган, лозим бўлганда очик агрессия намоён қила оладиган отага тақлид қилади; қиз бола эса ҳиссий-эмоционал психология соҳибаси бўлган онасига яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади. Натижада оиладаги бундай ўзига хос муносабатлар ўсмирларга хос характер хусусиятини тез ва аниқ илғаш имкониятини яратади.

Ўсмир йигитларда мустақилликни шакллантириш учун мустақил ишларни амалга ошириш керак. Мустақил иш бажариш учун шахсан ўзини-ўзи идора қила олиш лозим. Ўсмирнинг мана шу ёшда мустақил ҳаракат қилишда ўз кучига ишонмаслиги, атрофдагиларнинг қарама-қарши фикрлари болага таъсир этиши мумкин. Шу сабабли ўсмир йигитларни ўзига ишонч ва қўлидан келадиган ишларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз вазминлик билан, ўжарлик ва ишёқмаслик қилмасдан бажаришга даъват этишимиз мақсадга мувофидир.

Ўсмирларда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўз-ўзини англашни шакллантиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Шулардан бири ўзини бирор бир катта ёшли шахсга ўхшатиб ривожлантириш, чунки бу катта киши боланинг кўз ўнгида мустақил ишни қила оладиган тимсолда гавдаланади. Шунинг учун ўсмир ёшидаги боланинг биринчи галда интиладиган нарсаси у энди кичкина эмас, ўзини катта бўлиб қолганлигига атрофдагиларни ишонттира олишдан бошлайди.

Боланинг ёшлигидан тиришқоқ, шўх бўлиши албатта тарбияга боғлиқдир. Ҳар бир ота-она ўғлини кучли, иродали, ақлли ва қобилиятли бўлиб ўсишини истайди. Агарда ўғил болага “сенинг қўлингдан нима келади, ҳали ёшсан, аралашма” деб жеркиб ташланса, бундай ҳолат боланинг интилишини, қолаверса қизиқишини сўндиради. Бу албатта нотўғри. Сабаби бола энди ўз фикрини билдира бошлаб, ўзини кўрсатгиси келадиган ва унда келажакка умид, мақсадлар туғила бошлайдиган даврда унинг учун шундай муҳит бўлмоғи керакки, ундаги муносабатлар энди ўсмирнинг мустақил бўлиб қолганлигини яққол кўрсатиб туриши лозим.

Ўғил болаларда бундай хислатларни шакллантириш учун ўқитувчи ўғил болалар билан кўпроқ шуғулланиши керак. Ўқитувчи мазкур ёшда боланинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириши муҳим эканлигини ҳисобга олиб, ўқувчини умуммақтаб жамоаси олдидаги обрўсини кўтариш йўлларини излаши керак. Бунинг учун ўқитувчи боланинг у ёки бу соҳадаги ютуқларини кўпчиликка маълум қилади, унинг айрим ҳато ва камчиликларини йўқотишда донолик билан иш тутиб, уларни дарров кўпчиликка ошкор қилмай, ўсмир билан суҳбатлашиб, унинг кучи, билими ва имкониятларига ишонишини амалда кўрсатади. Бундай қўллаб-қувватлашнинг кераклигини яхши ҳис қилган ўсмир беихтиёр ўқитувчининг таъсирига берилади, чунки ўқитувчи ўсмирнинг муносабатларини йўлга қўйишда унга зарур кишига айланиб қолади.

Шарқ мутафаккирларининг ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасидаги қарашлари

Энг қадимги даврлардан буён ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасидаги муаммолар жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларни қизиқтириб келган. Шарқ мутафаккирлари Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абдурахмон Жомий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва XIII-XIX асрларда Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат,

Абдулла Авлоний, Қорақалпоқ олимлари Бердақ Бердимурод Қарғабой ўғли, Ажиниёз Қосибой ўғли каби мутафаккирлар ўз асарларида баркамол авлод тарбиясига доир муҳим фикрлар баён этганлар. Мутафаккирларнинг оилада бола тарбияси, одоб-ахлоқ ва ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда ҳам ўзбек олимларидан А.Қаюмов, О.Мусурмонова, Т.Қурбонов, М.Маҳмудова, О.Сафаров, Д.Холиқов, О.Ҳасанбоева, О.Тўраева ва бошқаларнинг илмий ишларида ўғил болаларни одоб-ахлоқли этиб тарбиялаш борасида муҳим фикрлар илгари сурилган.

Қадимда ўғил боладан олдин қиз туғилса, бахтсизлик саналган. Қизнинг меросга ҳуқуқи ҳам ўғилникига нисбатан чекланган. Ўғил зурриёт давомчиси ҳисобланган. Шу боис ўғил кўрмоқ алоҳида шарафдай қабул қилинган. Бунинг сабаби ўғил ота касбу корининг давомчиси, чироғини ёқувчиси, меросхўри саналган. Подшолар учун ўғил салтанатнинг, тожу – тахтнинг вориси ҳисобланган ва ўғли кўп ота-оналар улуғланган.

Олима С.Нишонова ўз тадқиқотларида эрамиздан олдин яшаб ўтган юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китобидан қадимги массагетлар, форслар ва сак қабиалари таълим-тарбияси ҳақида муҳим ва қизиқарли маълумотлар келтирган: форслар кадрлайдиган энг юксак хислат жасурлик бўлган. Шунинг учун ҳам улар ўғил болаларни кадрлаганлар. Подшоҳ кимнинг ўғли кўп бўлса, унга совға-саломлар юбориб турган. Ўғил болаларни беш ёшдан бошлаб йигирма ёшгача албатта, уч нарсага – отда юриш, камондан отиш, тўғрилиқка ўргатилган. Ўғил болани беш ёшга тўлгунча отасига кўрсатмаганлар. Мабодо ўғил бола вафот этса, отанинг қайғурмаслиги учун шундай қилганлар.

Ўғиллар ҳеч қачон ота-онани урмаган. Улар бундай ҳолатни фақат никоҳсиз туғилган ёки ташландиқ болалардангина кутиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Қадимги даврларда ҳозиргидек болаликдаги ўйинлар ҳаётда муҳим ўрин тутган. Ўйинлар ёрдамида ўсмирлар улғайган, чиниққан, жисмонан бақувват

бўлган, ақлан ва руҳан ривожланган, маънавий камол топган. Ўйинлар соғломлаштирувчи восита сифатида болаларни, айниқса, ўғил болаларни жисмонан бақувват, чаққон, эпчил, ақлан расо, руҳан тетик бўлиб улғайишига ёрдам берган. Болалар ўйинлар орқали ҳаётга тайёргарлик кўрган, турмушдаги қийинчиликларни енгишни машқ қилган, иш ва курашда ғалаба қилишни ўрганган. Масалан, қариялар болаларга мева теришни иш сифатида эмас, балки ўйин шаклида ўргатишган.

Ўйин ўз замонида фақатгина эпчиллик, чаққонлик, ботирлик дарси эмас, тарбия мактаби ҳам ҳисобланган.

Маълумки, қорақалпоқлар азалдан чорвачилик билан шуғулланган. Ўғилларини ҳам қорамол, туя, қўй ва ит боқишга ўргатишган. Оталар ўғилларига чорвачилик сирларини ўргатиб ҳаётга тайёрлаганлар.

Болалар ва ўсмирлар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти жуда катта бўлган. Ўйинлар болалар учун “Ҳаётга тайёрланиш мактаби” бўлиб, уларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилган. Ўйин бола онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлаган, жисмоний, руҳий, ҳиссий (эмоционал) тараққий этишига хизмат қилган. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. “Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади” ёки “Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, уни қандай одам бўлишини айтиш мумкин”, деган нақллар бекорга айтилмаган.

Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётида чорвачилик, овчилик, деҳқончиликка оид меҳнат турлари ривожланган. Ўйинлар орқали болаларни ботирликка, чаққонликка, жасурлик ва сергакликка ўргатилган. “Боланинг кундалик тарбиясида халқ анъаналарига қатъий риоя этилган. Деҳқон болалари ёшлигиданоқ ота кўмакчисига айлана бошлаган. Чорвачилик, ҳунармандчилик, овчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланишган. Оилаларда болаларга меҳнат тақсимооти шу касблар бўйича берилган. Аста-секин болада меҳнат малакаси пайдо бўла бошлаган. Бола

тарбиясида момо, ота ва бутун жамоа катта ўрин тутган. Ота касбини эгаллаш боланинг ахлоқий ва диний муқаддас бурчи бўлиб, ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган”.

Қадимда бола тарбияси ва камолотида оиланинг роли катта бўлган. Айниқса ота-она ва яқин кишилар томонидан боланинг жасур, мард, ақлли ва ахлоқий камолоти учун алоҳида эътибор берилган. Улар боланинг ривожланишида ҳалоллик, поклик, мардлик, жасурлик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик ва меҳнатсеварлик каби қатор фазилатларни ўргатганлар. Аجدодларимиз ўғилларини ҳаётга тайёрлашга муҳим масъулият билан қараганлар. Айниқса, ўғил болаларни ёшлигидан бошлаб жасур, чакқон, ботир, эпчил қилиб тарбиялаб, отда чопиш, сувда сузиш, кураш, қиличбозлик, камондан отиш каби ҳунарларни тўлиқ ўргатиб, ўғил бола тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Ўғил болаларни кичик ёшидан ушбу машғулотларга ўргатиб келишган. Ўғил болаларга “Уялганинг-ўлганинг” деган шиор сингдирилган. Натижада, ўғил бола уялиб қолмаслик учун ҳар соҳанинг устаси, абжир, кучли, қувватли бўлиб ўсган. Ор-номус йўлида қонини ҳам, жонини ҳам аямай эпчил бўлиб етишганлар. Бу фазилатлар ота ва мураббий томонидан сингдирилган.

Ўғил болаларни тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёрлашда ота-боболаримиз мақоллардан ва ҳикматли сўзлардан, дostonлардан фойдаланганлар. Чунки уларда ўғил бола тарбиясига жиддий эътибор берилган. Халқ оғзаки ижодида яхши ва ёмон ўғил фазилатларини қиёсланиб, ёмонликдан йироқ бўлишга ундалади. Масалан, “Яхши бола ёғ келтирар, ёмон бола доғ келтирар”, “Яхши ўғил боғ қилур, ёмон ўғил доғ қилур”, “Яхши фарзанд ота-она чироғи, ёмон фарзанд ота-онанинг доғи”, “Яхши бола-отага қувват, ёмон бола-отага укубат”, “Яхши ўғилдан раҳмат етар, ёмон ўғилдан лаънат етар”, “Қобил ўғил отга миндиарар, ноқобил ўғил отдан индиарар” каби мақоллар кўплаб келтирилган. Бошқа кўп мақолларда эса жасурлик, ботирлик, ҳақгўйлик, мардлик таърифланади. Масалан, “Арслоннинг оғзидан ов олинмас” мақолида ҳеч қандай куч

арслоннинг оғзидаги овни ололмаслиги ҳақида фикр билдирилган. Ота-боболар бу мақол билан фарзандларига “Сен ҳам арслондек қўрқмас, ботир бўл, олгин-у олдирма!” деб уқтирганлар.

Бу мақолларда фарзандларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати, қилиқлари, ота-онага ва бошқаларга тегадиган фойдаси ҳамда зиёни ҳар томонлама ифода этилади. Ўғил бола чидамли, матонатли бўлиши, арзимаган нарсадан қўрқиб, йиғлаб юрмаслиги, етук, ҳар жихатдан муносиб, тартибли, ахлоқли, доно бўлмоғи керак.

Оталар фарзандларини меҳнатга ўргатиб, меҳнатсевар қилиб тарбиялаган, уларни аяб ўтирмай, меҳнат машаққатларига чидайдиган, қўникадиган қилиб вояга етказган. “Отали ўғил-эғали қўл”, “Отали ўғил-хўжали қўл” деган мақоллар шу аснода келиб чиққан.

Оталар фарзандларини, айниқса ўғил болаларни афсоналар, эртаклар, ҳикоялар, дostonлардаги қаҳрамонларнинг мардлиги, жасурлиги мисолида уларга ўхшаган мард бўлишига ўргатган. Масалан, П.Қодировнинг “Ботирлик ва бахиллик” ҳикоясини олиб кўрайлик. Ҳикояда Тўлан, Ўктам, Кенжа исмли уч йигит бўлади. Ҳикояда уларнинг жасурлиги, қишлоғи аҳолисини ёвузлардан қутқарганлари тасвирланади. Йигитларнинг бундай даражага етишига отаси сабабчи бўлган. Бу уч йигитнинг ота-онаси тоғ ичида бир қишлоқда яшаган. Отаси асли камбағал чўпон бўлган. Лекин мол боқиб юриб, минг қўйли бойга айланган. Кейин шу қўйларни сотиб, ўғилларини мадрасада ўқитган, яхши жангчиларни пулга ёллаб, қиличбозлигу тирандозлик, чавандозликни ўргатган. Бу ҳикояда йигитлар шу ёшгача жанг қилишнинг барча сирларини ўрганишган. Ҳикоя орқали ўсмир йигитлар жасурликка, ботирликка, мардлик ва ҳақиқатни сўзлашга, ватани, халқи учун курашга даъват этилади.

Ўсмир ёшида ўқувчилар айниқса, эртаклар ўқишни хуш кўради. Эртакларни ўрганиш ҳамма вақт уларнинг ҳаётий ҳақиқатни англаб олишига, гўзалликни ҳис этишга бўлган интилишини, зийраклик, фаҳм-фаросатлилик, зукколик каби хислатларини таркиб топтиришга йўллайди. Масалан “Уч оға-

ини ботирлар” эртагида ота ўғилларини сафарга кузатаётиб, насихат қилади: ”Тўғри бўлинг-бежавотир бўласиз, мактанчоқ бўлманг-хижолат тортмайсиз, дангаса бўлманг-бахтсиз бўлмайсиз”. Бундаги насихатда ўғил бола, тўғри сўз бўлиши, мактанчоқ ва дангаса бўлмаслиги баён этилади.

Достонлар орқали эса болалар халқ ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият, одоб-ахлоқ, ўзаро муносабат ҳақидаги тасаввурларга эга бўлади. “Алпомиш” достонида ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, дўстлик ва севги, ростгўйлик ва тўғрилик ҳақидаги ғоялар етакчилик қилади. Унда чавандозлик, мерганлик, кураш ва бошқа спорт турлари негизида жанговарлик, матонат, жасурлик, маънавий ва жисмоний комиллик билан боғлиқ тарбия шакли ўз аксини топади. Масалан, Ҳақимбек етти ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмон бўлган парли ёй билан Асқор тоғини забт этади. Шундан кейин унга алп номи берилиб, “Алпомиш” деб атайдилар. Бу билан достонда боланинг жисмоний соғлом бўлишига катта эътибор берилганлигини кўриш мумкин. Алпомишнинг етти ёшдан оғир ёйни кўтариб, мерганлик билан отиши боланинг кичкина вақтидан чиниққанлигидан, жисмоний тарбия берилганлигидан далолат беради.

Қадимдан ёшлар ўзининг топқирлиги, жасурлиги, ботирлигини эл-юрт олдида синовдан ўтказиш асосида мустақил ҳаётга тайёрлигини намоён этганлар.

”Авесто”да ҳам ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Унда ёзилишича, ўғил болалар таълим тизимида “муқаддас кўйлак” удумини бажариш маросимида устоз билан Қуёшга қараб сажда қилишган. Ҳаммаси “Авесто”дан эзгулик ва яхшиликка мададкор кучларни улуғловчи қасамиёдларни айтишган. Машғулотларни ўтказишдан мақсад-болалар қалбида ёшлигидан дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, Олий Ахура-Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига жамаки ёмонликларни ва ёвузликларни солувчи Ахура-Ману (Ахриман)дан нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлган. Зардушт эса, “муаллим-коҳинларнинг бурчлари болаларга илмларни

яхшилик йўсини ила ўргатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, тўғри йўлга ҳидоят этишдир. Кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Ахура-Мазда йўлини тутган бўлади,”-дейди.

Демак, эрамизгача бўлган узоқ ўтмишда ҳам ўғил болалар ёшлигидан яхшилик ва ёмонликни ажрата олишга ўргатилган. Бу келажақда боланинг турмушда учрайдиган қийинчиликларни осон енгишига ёрдам беради.

“Авесто”да олға сурилган жисмоний ва меҳнатсеварлик тарбиясидан назарда тутилган асосий мақсад болаларни жанговар ҳарбий ишга ва меҳнатсеварликка тайёрлаш, жисмонан забардаст қилиб, меҳнатда чиниқтиришдан иборат бўлган. Ўғил болаларга кураш тушиш, отга сувлик солиш, уни эгарлаш, мол боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя-отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловлар ва қароқчилардан муҳофаза қилиш учун 50 дан зиёд ҳарбий қуролни ишлата билиш малакасини эгаллаш мажбурий бўлган. Уларга яна чавондозлик ва ўттиз икки хил ҳарбий ҳунар ўргатилган.

Болалар ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор қуролларини ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт ҳисобланган. Зотан, ўз меҳнати билан кун кечириш ҳаёт фаровонлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди ва “Авесто”да олға сурилган йигитларни ҳаётга тайёрлаш мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ота-оналарга соғлом фарзанд дунёга келтириш бўйича маслаҳатлар;
- фарзанд тарбиясида жинсларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ўғил бола тарбиясида ота ролининг юқорилиги;
- ўғил тарбиясида уни меҳнатга, илмли бўлишга, касб – сирларини эгаллашга даъват;
- ўғил бола тарбиясида оила бошлиғи тушунчасининг устунлиги;
- йигитлик ғурури, эътиқод, ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга эътиборнинг кучлилиги;
- оила ва ватан олдидаги бурч ва вазифаларнинг устунлигига эришиш;

- жисмоний ва маънавий соғломлик сари интилиш;
- ёвузлик, ёмонлик, кўрқоқлик, хоинлик, жисмонан нимжонлик, иродасизликка қарши маънавий баркамолликни шакллантиришдан иборатдир.

Ислом тарбиясида ҳам ўғил ва қиз тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари етти ёшдан бошланади, ўғил болалар эркаларга хос тарбияланган. Ўғил бола одатда, отасига ўхшаб, унинг яхши хислатларини ўзига синдиришга интилади. Ота кўпроқ боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши учун қайғуриб, ён-атрофдагилар билан муомаласи ҳақида ўйлайди.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбаларидан бўлмиш “Қуръони карим”да ва ҳадисларда одоб-ахлоқ, бола тарбияси, оила тарбияси каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Эй ўғлим! Сенинг показа қалбингда олий ҳислар уйғотиб инсоний комиллик сари етакловчи 12 насиҳатни “Қуръони Карим” ва Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ўғитларидан фойдаланган ҳолда беришга ҳаракат қиламан. Мақсадим-сенинг синов дунёсида безак ва ўйинларга алданмасдан комил инсон бўлишингдир. Ва бу оламга келиб-кетиш моҳиятини англаб мақбул ва маҳбуб инсон бўлишингдир.

Ўғлим, сенга насиҳат:

Кибрли бўлма,	Илмга ташна бўл,
Бировни ёмонлама,	Улар билан дўст бўл,
Жоҳил бўлма,	Неъматни демагин оз,
Аллоҳни ёд эт,	Хикматларни этгин ёд.
Унга ибодат қил,	Сўрашни ор билма,
Ҳаққа ниёз эт,	Кибрни фойда билма,
Олимларга яқин ўл,	Ўзингни хароб қилма,
Ҳақиқатни доимо	Оз сўзла, кўп тингла,
Қабул қил хуш кўнгил-ла.	Доимо тафаккур қил,
Билганингни ўргат,	Ўғлим, шудир сенга насиҳат.

Луқмони ҳаким ўғлига: ”Ўғлим! Олимлар даврасида бўл, улар сўзларини тингла. Аллоҳ таоло ер юзини ёмғир билан жонлантирганидек, ўлик қалбларни ҳам илм билан тирилтиради”, деганлар. Шундай экан, ҳозирги кунда ёшларни илмли ва одобли бўлишга, устозларини ҳурмат қилишга, устозларнинг ҳақи ота-она ҳақидан кам эмаслигини, улар юзига тик қарашдан сақланиб, гапларини тинглаб, доимо ҳурмат қилишга, юқоридаги насихатларга амал қилишга ўргатиш керак.

“Қуръони Карим”да ҳам айтиб ўтилганидек, илм туфайли одам юқори мартабаларга эришади. Шунинг учун ҳар бир инсон илмни ёшлигидан эгаллаши керак. Ёшликдаги билим тошга ўйилган нақшдек-деб халқ бекорга айтмаган. Илм ҳақида “Саодатга элтувчи билим” китобида ҳам қуйдагича айтилади. Илм ва ҳунар қаноатга ўхшаш шундай бойликки, уни ўғри ололмас, ўтда ёнмас, сувда чўкмас бебаҳо хазинадир.

Али ибн Абу Толиб ўғли Ҳасанга айтади.

-Ўғлим, мендан тўрт нарсани билиб ол. Буни билиш билан сенга бирор зарар етишмас: Энг зўр бойлик-бу ақлдир. Энг катта камбағаллик-ахлоқликдир.

Энг даҳшатли нарса манманлик, энг яхши нарса хушхулқликдир. Ўғлим, сенга яна бир насихатим, ахлоқ билан дўст бўлишдан ўзингни тий, чунки у доимо сенга фойда ўрнига зарар келтиради. Бахил билан ҳам дўст бўлма, чунки сенга у зарур бўлганида сендан узоқлашишга ҳаракат қилади.

Ўғил болаларга юқорида келтириб ўтилган насихатли сўзлар уларнинг келажакдаги ҳаёти учун муҳим ҳисобланади. Келажакда яхши умр кечиришни хоҳласанг, юқоридагиларга амал қилиб илмга ташна бўлишинг керак.

Анкабут сурасининг 8-оятида қуйдагилар келтирилган.

“Одамзотга амр қилдикки, отангга яхшилик қил. Агар улар сенга буюрсалар ва ул иш сенинг ширк ва куфрингга сабаб бўлса, итоат қилмагин. Сизлар мен томон қайтасизлар, ўшанда дунёда нима иш билан машғул бўлганларингни айтаман”. Луқмон сурасининг 15-оятида “Агарда ота-онанг

сен мушрик бўлишинг учун ҳаракат қилсалар, уларга итоат этмагин. Шунга карамасдан, бу дунёда улар билан яхши яшагин”-деб айтилади.

Бу ояти каримада ота-она фарзандларини ширк ва куфрга далолат этсалар, фарзандлар уларга итоат қилмасликлари лозим. Агарда ўғил отаси билмаган нарсани билиб олса уни отасига тушунтирмоғи лозим. Агар ота фарзандининг бу ҳаракатларидан хафа бўлиб, ман этса, ўғли отасининг тўсқинлик қилишларига эътибор қилмасин. Лекин отасига дағал муносабатда бўлмасин, балки мулойим ва ширин сўзлар билан норозилигини билдирсин.

Диний манбаларда йигитларни ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос **тамойиллари** қуйидаги мазмунда мужассам бўлган:

- доимийлик, давомийлик, ҳаётийлик, изчиллик, ишончлилик ва бошқалар.

Ўғил бола тарбиясида: ота намунаси, панд-насихат, талаб, меҳр-шафқат, ишонч, мақсад сари интилиш муҳим рол ўйнаши эътироф этилган.

Диний манбаларда ўғил бола тарбияси мазмуни қуйидагилардан иборат эканлиги таъкидланади:

- меҳнатсеварлик, имон-этиқод, меҳр-шафқат, ватанпарварлик, маънавий ва жисмоний соғломлик, тозаллик, дунёқараш кенглиги, ширин сўзлик, уддабуронлик, касбий маҳоратлилик, сабр-тоқатлилик, ботирлик, жисмонан бақувватлилик, фикр софлиги, имонлилик, ҳурмат-эътиборлилик, меҳрибонлилик, қаноатлилик, ота-онага, катталарга нисбатан ҳурмат-иззатда бўлиш, яхшилик, касбий малака ва бошқалар.

Форобий таъкидлашича, агар тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий ақлий ва ахлоқий хислатларни, билимли бўлиш ҳамда тўғрилиқ, ҳақиқатни севиш, жасурлик, дўстларга садоқат каби фазилатларни эгаллашга интилмаса, уни тарбиячи, муаллим бундай фазилатларга ўргатиши керак бўлади.

Форобий “Бахт-саодатга эришув” ва “Ақл тўғрисида”ги рисоаларида ёшларнинг касб-ҳунарга қизиқиши ва билимли бўлишида муаллимнинг ҳам ўрни катта эканлигини ёзиб қолдирган. У “Ҳар бир инсон, ўз табиати билан

шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли, яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва уларга ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилан етукликка эришуви мумкин”, - дейди.

Ўсмирларнинг ўзи интилан мақсадига эришиши учун атрофдагиларнинг ҳам ёрдамидан тўғри фойдаланишни, якка ўзи эмас, биргаликда амалга оширилган иш самарали бўлишини тушунтириб бориш лозимлигини қайд этади.

Ўрта асрнинг буюк файласуфи, олим **Абу Райхон Берунийнинг** асарларида ҳам ўсмир йигитларга оид одоб-ахлоқ хусусида фикр юритилади. Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” номли асарларида инсон камолоти, сабр-тоқат, ақл-идрок каби тушунчаларга таъриф берган. Инсон энг аввало юриш-туришини тузатиши, одоб-ахлоқли ва маданиятли бўлиши ҳаётда муҳим эканлигини уқдиради. “Яхшилик хислатлари,-дейди Беруний,-тақводорлик, тўғрилик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоний камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиғмайдиган, киши баён этиб тугата олмайдиган (яхши) сифатлардан иборатдир”.

Бу хислатлар ўсмир йигитларнинг онгига сингдириб борилса, ҳаётда ўз ўрнини топишида ва келажақда маълум касб эгаси бўлганидан сўнг ҳам риоя этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсмирларни ҳаётга тайёрлашда ўз қарашлари билан ном қолдирган Шарқ мутафаккирларидан бири **Абу Али ибн Синодир**. У ўзининг асарларида бола саломатлиги, унинг тарбияси ва энг муҳими, боланинг руҳиятини ўрганиш борасида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган.

Уларнинг барчаси маълум педагогик тизимни ташкил этиб, етук, баркамол инсоннинг шаклланишида дастуриламал бўлади.

Мутафаккирнинг “Донишнома”, “Тадбир ул-манозил”, “Тиб қонунлари” каби асарларида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид фикрлар мавжуд. Ибн Сино бола оилада яхши тарбия топиши кераклиги, ота-она болага ўрнатилган бўлиб, унинг келажагини белгилашда муҳим шахслар эканлигини айтиб ўтади. Ибн Сино ўғил болаларни меҳнатсеварлик ва касб-хунар ўрганишга чақиради. Ёш ўсмир йигит улғайиб хунар ўргансаю, уни ҳаётга татбиқ этса ва мустақил меҳнати туфайли оилани таъминлай олсагина, ота уни уйлантириб қўймоғи лозим, деб таълим беради.

Ибн Синонинг ақлий, эстетик ва жисмоний тарбия соҳасида ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳақидаги фикрлари ўз замонида ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Абдурахмон Жомий ҳам ўзининг “Баҳористон” китобида қуйидаги ҳикматли сўзларни келтиради:

Кимнинг қўлида қуйдаги беш нарса жиловли бўлса, яхши ҳаётининг гаровли бўлур:

Биринчиси – тансиҳатлик, иккинчиси-омонлик, учинчиси-ризқининг мўллиги, тўртинчиси-содиқ дўст ва бешинчиси-фароғат.

Кимки шу беш нарсадан маҳрум этилган-хуш ҳаёт эшиги унинг олдида бекилган.

Хуш ҳаёт омили бешга етади,
Барча доно шунга қилур ишорат,
Соғлиғу омонлик, ҳам фаровонлик,
Яхши суҳбатдош дўст, дилга фароғат.

Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” китобида ёш ўғлига насиҳатлар беради.-Менинг ягона ташвишим,-дейди у,-сенинг кейинги ҳаётингдир. Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди,-дейди.

Бундан келиб чиқадики, ота-оналар ўз болаларини назорат қилиб турмаса, бола тарбиясига ёмон таъсир қилади.

Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.

Юмшоқ кўнгиллилик одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Уятсиз кишидан мудом узоқ бўл. Номусли, уят-андишали билан дўст тутин. Бирор ишда шошилма. Сабр ва қаноат қил. Йўл-йўриқнинг ўртачасини тут. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра. Хиёнат элидан четда бўл. Ўзингга лойиқ билмаган зиёни ўзгаларга ҳам лойиқ билма. Ғазабингни бос, доимо оғирлик қил. Сабр қилиш ҳам-жасурлар иши. Шунингдек:

Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,

Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг.

Ёру дўстга доим яқинлик ўла,

Улуғу кичикка боқа бил кула.

Юқоридаги айтилган пандлар одамларни эзгуликка, инсонийликка чорлайди. Унинг ахлоқий пандлари фарзанд тарбияси учун муҳим ҳисобланади.

Демак Юсуф Хос Ҳожиб ўғил бола тарбияси ҳақида бир қанча тавсиялар бериб кетган. Унинг бу пандлари ҳозирги кунда ҳам ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Кайковуснинг “Қабуснома” асарида жисмоний ва ақлий тарбиянинг ҳамма қирралари ўта зукколик билан таҳлил қилинади. Кайковус бу асарида ўғил болаларга атаб бир қанча пандлар ёзиб қолдирган.

Кайковус ўз ўғлига подшоҳлик, вазирлик каби мартабалардан тортиб, деҳқончилик ишларини-ю деҳқон одобигача бўлган умуминсоний масалалар ҳақида таълим беради. Асарнинг буюк аҳамияти шундаки, ҳамма замонлар ва ҳамма ижтимоий-сиёсий тузумда ҳам ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда “Қобуснома” ўз қийматини асло йўқотмайди.

Кайковус ўз асарида тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил, ноўрин ишлатилса яхши сўзнинг ўзи

ҳам ёмон, нобоп эшитилишини, беҳуда сўзлашни, ростгўйликни ва яхшилик қилишни, қилган яхшилигидан пушаймон бўлмасликни айтиб ўтади. Ҳунар ўрганиш кераклигини, чунки ҳунар билсанг, тенгдошларинг орасида баланд мартабада бўлурсан ва улар ҳам ўзларидан сени баланд мартабада кўришади.

Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмағил, ҳамиша яхшиликни ҳалойиққа кўргузғил ва асло унинг аксин кўргазмағил, бошқа тил била сўзламағил. Бошқа кўнгил била фикр этмағил, буғдойни кўргизиб арпани сотмағил ва барча ерда ўзингдин дод берғил. Ҳар кишиким ўзидан дод берса, доди мустағни (эҳтиёжсиз) бўлур. Агар ғаминг бўлса, ғам ва шодлиғи бор кишининг ёнида айтғил ва шодликни ношод кишиларнинг қошида зоҳир қилмағил, ҳар турлук иш учун дилтанг бўлмағилким, бу иш ёш ўғлоннинг ишидур.

Йигитларнинг одати андоқдурким, улар қариларни кўп тамасхур (масхаралаш) қилиб ўйнарлар, улар қариларни йигитликка муҳтож билурлар. Ушбу сабаб била қариларни тамасхур қилиб, беҳурмат қилмоқлари яхши эмасдур.

Йигит ўзини ҳамма кишидан донороқ билур, аммо шул иши била у барчадин нодонроқдур. Бас, қариларни ҳурмат қилғил. Улар ҳақида беҳуда сўз демағил, уларнинг олдида одоб ва мискинлик била сўзлағил.

Амир Темур ҳаётида ёшларнинг жисмоний бақувватлиги, соғлом ўсиши, айниқса, аскарларнинг ҳарбий – жисмоний тайёргарлигини ошириш асосий тадбирлардан бири бўлиб, ёшларга жисмоний – ҳарбий тарбия беришга катта аҳамият қаратган. Амир Тему

р мард ва жасур кишиларга ҳурмат-эътибор кўрсатади ва ёшларни шундай фазилатларга эга қилиб тарбиялашни таъкидлайди. Ўғил болаларга қурол ва қуролсиз жанг қилишни, қўл, оёқ кучи билан йиқитиш маҳоратига, чаққонликка эътибор беришни уқтирган.

Амир Тему

р даврида кураш, отда юриш санъати, кўпқари, от пойгаси, ёй ва камондан отиш, ов, човгон ўйини сингари оммавий машғулотлар ва ўйинлар қўшинлар ва халқ орасида кенг тарқалган эди.

У жисмоний тарбияни шакллантириш учун ўйинлар уюштирган. Бунда фақат кўшиндагиларни эмас, балки, умумхалқни ҳам жисмонан тарбиялаш усулини топган. Айниқса, ўғил болаларга катта эътибор берган. Умуман, Амир Темури ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва ватаннинг ҳимояси учун қўрқмас, ботир, жасур, эпчил, ҳарбий билимлар ва қуроллардан фойдаланиш йўллари билладиган қилиб ҳаётга тайёрлашни назарда тутган.

Бундан ташқари фарзандлари ва набираларига қолдирган йўл-йўриғида ўн икки нарсани шиор қилиб, шундан еттинчисида шундай дейилган: “Сайидлар, уламо, машойих, оқилу-донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату-ҳурматларини ўрнига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим, уларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим”.

Амир Темурнинг тажрибаси нафақат замонавий аскарлар тайёрлашда, балки ёшларни мард, жасур, кучли, чаққон, эпчил қилиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр”, “Маҳбубул қулуб” ва “Вақфия” каби асарлари ўсмир йигитларни тарбиялашда муҳим дастурдир. Шоир, энг аввало, ҳар бир инсонни ўз халқининг тарихини билишга ва уни чуқурроқ ўрганишга даъват этади. Унинг асарларида таълим-тарбия, ахлоқ-одоб масалаларига алоҳида ўрин берилган. Навоийнинг “Маҳбуб ул – қулуб” асарида ҳаётда кўрган, билган воқеалар, урф-одатлар, халқнинг турмуш тарзи, яхши-ёмон хислатлари баён этилган. Асарда ҳаётдаги турли ҳодисалардан чиқишга имкон берувчи яхши фазилатларга сабр, қаноат, тавозуъ ва адаб кабиларни киритади: “Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовар этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглига солув ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад қолур”.

Бунда ёшлар катталарга адаб ва ҳурмат билан қараб, уларнинг дуосини олса, ҳаёт йўли фаровон бўлади, дейди.

Бобокалонимиздан қолган ушбу асарларни ўқиш ва ундаги ўғитларга риоя қилиш ҳар бир ўсмир йигитнинг бурчи саналади. Баркамол авлод тарбиясида мазкур илмий ва адабий асарлар ўрнатқ бўлиб хизмат қилади.

Яқин ўтмишимизда фаолият кўрсатган маърифатпарвар педагог **Авлонийнинг** “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асари ҳам ёшларни ҳаётга тайёрлашда катта аҳамият касб этади. Абдулла Авлоний ҳар бир ота ва она ўз фарзандига илк ёшлигидан бошлаб таълим-тарбия бериши ва хунари ўргатиши зарур, деб таъкидлайди.

Авлоний кишиларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом, эпчил, чакқон бўлишларига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, соғлом кишилар ҳаёт синовларидан ўтиб, яшашга ва меҳнат қилишга тўлиқ лойиқдирлар. “Бадан тарбияси, баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонларга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимок, ўқитмок, ўрганмок ва ўргатмок учун инсонга кучли ва соғлом жасад керак”.

Ҳозирги даврда ҳам ўғил болалар ўқишга бор жан-жаҳди билан берилиб ўқиши, ҳар хил тилларни мукамал ўрганиши боланинг келажаги учун муҳим ҳисобланади, дейди олим.

XX аср бошларида фаолият кўрсатган маърифатпарварлардан бири **Абдурауф Фитратнинг** фикрича, фарзандни тўлақонли камол топтириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан иборат кўп таркибли тарбия бериш муҳимдир. Фитрат боланинг руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳиятининг ўзаро боғланишига эътибор берган. «Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чакқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмокликни, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмок керак... Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин».

Абдурауф Фитрат “Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим. Одам ҳам ўз манфаатини ўйлаб, ҳам яқинларини бахтиёр қилишга қодир бўлиб ўсиши лозим”, - деб ёзади.

Қорақалпоқ мутафаккирларидан бири Бердақ эса ўз асарларида қорақалпоқ халқининг XVIII-XIX асрдаги ижтимоий турмушини акс эттирган. Давр ҳодисаларига халқпарвар шоир сифатида баҳо бериб, осойишталик, ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, адолат, ватанпарварлик ғояларини куйлади. Унинг “Халқ учун” ва “Болам” шеърлари йигитларга атаб ёзилган. У жамиятни яхшилаш учун одамларни тарбиялаш кераклигини алоҳида уқтиради. Тарбия кучига ишонган Бердақ инсон ҳаётида таълим-тарбиянинг муҳимлигига диққатни қаратади. Масалан, у “Халқ учун” шеърида шундай дейди:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун.

Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур.
Ақлсизлар иши ёмон бўлур,
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун.

Шеърда ўсмир йигитларни билимли бўлишга, мардликка ва халқ учун хизмат қилишга чақиради.

“Болам” шеърида эса:

Талтаймагин, эрка бўлиб,
Йиғламагин тўлиб-тўлиб,
Қолмайсан оч, рангинг сўлиб,

Мард бўл ёшликдан, эй болам.

Ўғил болаларни ёшликдан ҳаётда яхши яшаш учун мард, ботир бўлишга чақиради. Болаларнинг ўз даврида халқни, элатни қўриқлайдиган мардлар бўлиб улғайишини истайди.

Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб, шарқ мутафаккирлари илмий меросида, диний маърифий манбаларда ўғил бола тарбияси муаммолари ва уни ечиш йўллари, тарбия шакл ва методларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, булар бугунги кун тарбия тизимида ҳам ўз қимматини йўқотмаганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Хулоса қилиб айтганда, мазкур манбаларда ўғил болаларни ҳаётга тайёрлаш борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган тарбия мазмуни, шакл ва методлари ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни, хусусан, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг амалиётдаги ҳолати

Дарҳақиқат, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, асосан соғлом, жасур, кучли ва ботир инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш бу борадаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, уни бойитиш чораларини излаш, камчиликларни бартараф этишга аҳамият қаратиш, жорий режаларни белгилашга бевосита боғлиқдир. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қуйидаги вазифаларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқ:

- ўсмир йигитларда мулоқот маданиятини шакллантириш;
- олган билимларини амалиётда қўллай олиш;
- ўз-ўзини баҳолай олиш ва ўзини-ўзи кенг намоён қила олиш;
- турли ҳаётий вазиятлардан тез ва самарали қарор чиқара олиш;
- шароитни таҳлил қилиш орқали ундан чиқиб кета олиш;

- ўсмир йигитларни Ватанига фидоий, жасур, соғлом, билимли ва ҳар томонлама етук, юқори ахлоқли пок инсон бўлишга йўллаш;
- ўсмир йигитларда ўз халқининг тарихий, маданий, миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган эҳтиёжни таркиб топтириш;
- мустақиллик шароитида ўсмир йигитларни замон талабларини англаб етишга йўллаш;
- ўсмир йигитларда ижодкорлик фазилатларини таркиб топтириш;
- ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни таркиб топтириш;
- уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оиланинг роли муҳимлигини ҳисобга олиш.

Шунинг учун ҳам муаммонинг амалиётдаги аҳволини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Буни амалга оширишда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Ватан туйғуси”, “Адабиёт”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ушбу фанлар бўйича дастур ва дарсликлар ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республикада таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида яратилган “Одобнома”(1-4 синфлар), “Ватан туйғуси” (5-6 синфлар), “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” (7-9 синфлар) ўқув фанлари, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” (10-11 синфлар) курсларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини сингдириш, ўқув муассасаларини ўқув дастурлари ва қўлланмалари билан таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Умумтаълим мактабларининг 5-6-синфларда ўқитиладиган фанлар тизимида “Ватан туйғуси” алоҳида ўрин тутди. Сабаби у ўқувчи ёшларни ватанпарвар, инсонпарвар, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларда юксак маънавий маданиятни шакллантириш учун хизмат қилади. Шу мақсадда республикамиздаги умумтаълим мактабларига “Ватан туйғуси” фани киритилган.

“Ватан туйғуси” фани бўйича ҳам ўқувчиларга ҳар томонлама ва пухта таълим – тарбия бериш кўп жиҳатдан дарслик, ўқув-методик қўлланмалар ва дастурларга боғлиқдир.

Дастур бошида Ватанни англаш-бу ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши, ёш авлод онгига “Ватан”, “Ватанга муҳаббат” ҳамда “Ватанпарварлик” тушунчаларини оила ва мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, узлуксиз, изчил, тизимли ва мақсадга мувофиқ равишда сингдиришни тақозо этади.

“Ватан туйғуси” фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги тамойиллар етакчи ўрин тутиши лозимлиги назарда тутилади:

- жамиятда янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган шароитда ҳар бир фуқаронинг миллий ўзликни англаш ҳамда ватанпарварлик туйғусига эга бўлиши Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги кафолати эканлиги;

- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги;

- фанлараро алоқадорлик ва боғлиқлик (тарих, адабиёт, Конституция оламига саёҳат ва география);

- ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятларини инобатга олиш;

- ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикр юритишлари учун имконият яратиш;

- назарий ғояларнинг ҳаётий мисоллар асосида очиқ берилишига эришиш;

-таълим жараёнининг технологик ва ижодий ёндашувлар асосида ташкил этилиши ва ҳоказолар.

Мазкур дастур икки ўқув йили давомида ўрганилиши назарда тутилган мавзулар моҳиятини ифодалайди, мавзуларнинг ўрганилиши учун жами 68 соат вақт ажратилган (ҳар бир ўқув йили учун 34 соатдан).

Таълим жараёнида суҳбат, баҳс-мунозара, учрашув, экскурсия ҳамда амалий машғулотлар (ижодий иншолар ёзиш, реферат тайёрлаш, тест назоратини ташкил этиш, бадиий чиқишларни ташкил этиш ва бошқалар) каби шакл ва методлардан фойдаланиш кераклиги дастурда белгиланган.

Мазкур ўқув фани асосида ўсмир йигитларни Ватан олдидаги бурчи, маъсулияти кўпроқ эканлигига ҳамда ҳаётий мисоллар ва мустақил фикрлаш билан бирга мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш етакчи ўринда турмоғи лозим.

6-синф “Ватан туйғуси” дарслигидан: “Ватанни англаш”, “Биз-Ўзбекистон халқимиз”, “Биз-буюк тарих эгасимиз”, “Биз-буюк маънавият эгасимиз”, “Миллий давлатчилигимиз”, “Миллий қадриятларимиз”, “Биз-Ўзбекистон фуқаросимиз”, “Соғломлик ва комиллик”, “Ватанпарварлик”, “Ёшлар-ватан келажаги” каби мавзулар ўрин олган.

Ушбу дарслик икки бўлимдан ташкил топган бўлиб, биринчи бўлимда Ватан туйғуси ҳақидаги тушунчалар ёшликдан бошлаб камол топиши, Ватан туйғуси инсонга она алласи, ота намунаси, оила тарбияси, устоз-тарбиячиларнинг таълими билан сингади. Масалан, 6-синфда “Биз Ўзбекистон фуқаросимиз” номли мавзуда ватанпарварлик намунаси Ватани учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар мисолида тушунтирилиб, жамият энг аввало билимли фуқароларга суяниши, унинг учун ёшлигидан кўп ўқиши, ўз эрки, кучини тарбиялаб бориши шартлиги ва келажакда Ватанимизга мос фарзанд бўлиб етишишига даъват этилади.

Иккинчи бўлим: “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, деб номланади. Бу бўлимда саломатлик ва маънавий етуклик ҳақида маълумотлар берилган. Соғлом фарзанд мамлакатимиз бебаҳо бойлиги эканлиги, ҳар бир вояга етган инсон эркин ҳаётга қадам қўйганидан кейин ўз

тақдири ҳақида ўзи қайғуриши, маънавий ва жисмонан чиниқиш ишини кундалик турмуш талабига айлантириш шартлиги ҳақидаги ғоялар бобомиз Амир Темур ва Бобур Мирзоларнинг жасурлик, юрти учун курашишлари борасидаги мисоллар орқали ёшлар онгига сингдирилади.

Жалолиддин Мангубердининг мардлиги, жасурлиги Ватани учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр қаҳрамонлиги ҳақидаги маълумотларни ўқиган ҳар бир йигитнинг кўнглида Ватанга муҳаббати янада ошади. “Ёшлар – Ватан келажаги” мавзусида Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар олдидаги бурч ва вазифалар баён этилади. Ёшлар билим олиш, спорт билан шуғулланиш, одоб-ахлоқли бўлиш, яхши-ёмонни ажрата олиш учун эса кўпроқ ўқиши, изланиши, ўз билимини ошириб бориши кераклиги ҳақида маълумотлар берилади.

Лекин бизнинг фикримизча, ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун бу етарли эмас. Сабаби, ўқувчиларни, айниқса, ўсмир йигитларни мард, жасур, соғлом ва билимли қилиб тарбиялаш учун аниқ тавсия характеридаги ҳаётий маълумотлар зарур. Ўсмир йигитларнинг жасур, мард, соғлом ва билимли бўлиши учун аниқ мавзулар, илмий-методик материалларни дастур ва дарсликка киритиш мақсадга мувофиқ.

5-9-синфларда ўрганиладиган “Адабиёт” дарсларида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти мавжуд бўлган баъзи мавзуларни ва уларнинг мазмунини қўйидагича тавсиф этиш мумкин:

Т/Р	Мавзуларнинг номи	Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш	Дастур ва дарслик материални такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар
1 2	“Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди” бўлимида болалар кўшиқлари, нақл-мақоллар, эртаклар: Бердақ Қарғабай ўғлининг “Болам” кўшиғи	Берилган мавзуларда ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда нақл-мақоллар, эртаклар ва дostonлардаги қаҳрамонларнинг хислатларини болалар онгига етказиш	Дарс жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашга етарлича вақт берилмаган. Мавзуни умумлаштириш ва ўсмир йигитлар тарбиясига татбиқ этиш, улар орқали инсонийлик, ватанпарварлик ва жасурлик, инсоний қадриятларни тиклашда

			самарали долзарб саналади	фойдаланиш масалалардан
--	--	--	---------------------------------	----------------------------

6-синф “Ватан туйғуси” фани бўйича ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан таълим мазмуни

Т /Р	Мавзуларнинг номи	Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш	Дастур ва дарслик материални такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар
1 2 3 4 5 6	“Ватанни англаш”, “Биз- буюк тарих эгасимиз”, “Биз-буюк маънавият эгасимиз”, “Миллий қадриятла римиз”, “Биз-Ўзбекистон фукаросимиз”, “Соғломлик ва комиллик”, “Ватанпарварлик”, “Ёшлар-ватан келажаги”	Ватан ҳақида берилган тушунчалар. Ривоятларда билимли бўлиш ва мавзуларда гигиена ҳақидаги фикрлар	Дарсликда Ватан ҳақида жуда кўп материал берилган. 5-синфда эса оила ҳақида фақат бир соат ажратилган. Оила тушунчаси ҳақида кўпроқ ва аниқроқ маълумотлар берилиши керак эди. Мустақил ҳаёт ҳақида ҳам дарсликда соатлар ажратилса ва ривоятларни ҳам шунга мослаштириб берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ўсмир йигитларнинг Ватан олдидаги бурчи, маъсулиятини ҳаётий мисоллар воситасида кўрсатиш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш, соғлом турмуш тарзи ҳақида мисоллар берилиши зарур эди.

Шундай экан, бизнинг назаримизда айниқса, ўсмир йигитлар соғлом турмуш тарзи, оила ҳақидаги тушунчаларни ҳам дарсликка киргизилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги берилган мавзуларнинг таҳлили натижасида қуйидаги масалаларни ечиш имкониятлари яратилади:

- ўқувчиларнинг ота-боболаримизнинг уруғ-аймоқни тоза сақлаш, авлодларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши учун нималарга эътибор бериш лозимлигини тушуниш;

- “ота касби”ни эгаллашга, билимли бўлишга интилиш;

- мард ва жасур бўлиш учун нималар қилиш кераклигини англаб етиш;

- меҳнатсеварлик ва инсонийлик, саҳийлик, меҳр-оқибатли бўлиш каби фазилатларни ўсмирлар онгига синдириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, 5-синф “Ватан туйғуси” дарслигига бизнинг фикримизча, юқоридаги масалаларни ечиш учун соғлом турмуш, оила, ота касби ҳақида ва ёшларнинг, айниқса ўсмир йигитларнинг Ватанга фидойи бўлиш, жасурлик, мардлик хислатларини болаликдан бошлаб онгига синдириб боришга оид материалларни киритиш лозим.

6-синфда берилган мавзулар бизнинг фикримизча, ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун етарли эмас. Сабаби, ўқувчиларни, айниқса, ўсмир йигитларни мард, жасур, соғлом ва билимли қилиб тарбиялаш учун аниқ мавзулар берилмаган. Дарсликлар ўсмир йигитларнинг жасур, мард, соғлом ва билимли бўлиши учун аниқ мавзу ҳамда метод ва усуллар билан бойитилса иш самарали бўларди.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан олиб борилган ишлар мазмунини ўрганиш мақсадида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари иш режаси таҳлил этилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- тарбиявий ишлар режаси йилдан-йилга ўтиб келаётган бир қолипдаги ҳужжатга айланиб қолган;
- ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан алоҳида тадбирлар режалаштирилмаган;
- тарбиявий тадбирларнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ранг-баранг бўлишига етарли эътибор қаратилмаган;
- тарбиявий тадбирлар мазмуни ҳаётий мисоллар билан бойитилиши зарур;
- ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорлигига эътиборни кучайтириш лозим;
- мутахассис тиббиётчилар, педагог, физиолог, психолог, дефектологлар хизматини ташкил этиш назардан четда қолган;
- ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнини оширишга эътиборни қаратмоқ лозим.

Бизнинг назаримизда, тарбиявий иш режалари ўсмир йигитларнинг шахсий, психологик, физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилмоғи зарур:

- мақсад изчиллиги, вазифаларнинг тизимлилиги;
- мавзулар изчиллиги, тизимлилиги, ҳаётийлиги;
- мазмуннинг инсонпарварлиги;
- мавзу танлашда ўсмирларнинг шахсий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- илмий ва амалий қимматлилиги;
- тарбиявий тадбирларнинг мазмуни, шакл ва методлари мутаносиблиги;
- ўсмир фаоллиги, ижодий муносабати, ташаббускорлиги;
- ўқув фанлари мазмунида берилган материаллар мазмунни тўлдириш, бойитишга хизмат қилиши;
- қизиқарлилиги, мазмунан бойлиги;
- тарбиявий тадбирларга барча ўсмир йигитларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- бошқариш, назорат, баҳолаш ва мониторинг тизимидан унумли фойдаланиш.

Тарбиявий тадбирлар мазмунан қуйидаги йўналишларда ташкил этилмоғи зарур:

- ўсмирнинг ижтимоий-сиёсий савиясини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
- маънавий маданиятини тарбиялаш (маънавият қирраларини шакллантириш);
- жисмонан ва маънавий соғлом қилиб шакллантириш;
- соғлом турмуш маданияти қирраларини таркиб топтириш;
- турли ноахлоқий иллатларга қарши курашчанликни тарбиялаш (чекиш, ичиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, терроризм, шахсий гигиена талабларига риоя этмаслик ва бошқалар);

- оила, мактаб, жамоатчилик ўртасида ўзини тута билиш, фаоллигини ошириш.

Шундай қилиб, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан амалиётда мавжуд ҳолатни ўрганиш қўйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини берди:

- 5-9-синф “Адабиёт”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари” ва бошқа фанларнинг мазмуни давр талаби асосида, ўқувчиларнинг талаб ва истакларига биноан доимий тўлдирилиб, қайта ишланиб боришни талаб этади;

- мазкур ўқув фанлари бўйича фан ўқитувчилари таълим мазмунини ўсмирлар онгига сингдиришда асосий тарбиявий жиҳатларини ажратиб олиши, дарсга ижодий ёндашиши, ҳаётий мисолларга эътиборни кучайтиришлари;

- дарс жараёнини ташкил этишда таълим-тарбия шакл, метод ва воситалари ранг-баранглиги, педагогик технологиядан самарали фойдаланиш;

- ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан ўқитувчининг етарли билим, малака ва кўникмага эга бўлиши, тайёргарлик даражасининг юқорилиги;

- тарбиявий тадбирларни режалаштиришда ижодкорликни таъминлаш, унинг натижаларига доир мониторинг олиб бориш;

- тарбиявий ишларни режалаштиришда ўсмир йигитларнинг ёш ва психологик хусусияларини, қизиқиши, майли, дунёқарашини ҳисобга олиш;

- тарбиявий тадбирларни ташкил этишда оила, мактаб, маҳалла, ННТ лар ҳамкорлигини таъминлаш;

- тарбиявий ишларни ташкил этиш ва натижасининг самарадорлигини таъминлашда ота-оналар кенгашлари фаоллигига таяниш;

- ўқув фанлари жараёнида олган назарий билимларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар мазмуни асосида бойитишга, методик манбалардан кенг фойдаланишга эътиборни қаратиш ва бошқалар.

Умумтаълим тизимида ёшларни, шу жумладан, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни жамиятнинг, ўз оиласининг фаол кишилари бўлиб шаклланишлари учун асосий бўғиндир. Ушбу муаммо илмий-педагогик характерга эга бўлиб, уни педагогик, психологик, физиологик, тиббий, фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш, олинган илмий натижаларни таълим-тарбия амалиётига татбиқ этиш самаралар гаровидир.

Мазкур муаммонинг педагогик асосларини: мазмуни, шакл, метод, усул, восита, шарт-шароит, омилларини илмий ўрганиш замирида илгари сурилган илғор ғоялардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ўсмир йигитларнинг психологик, физиологик хусусиятларига мос таълим-тарбия мазмуни, шакл, методларидан самарали фойдаланиш ҳар бир тарбиячи-ўқитувчидан ишга ижодий муносабатни талаб этади.

Бу даврда (5-6-синфлар) ўсмир йигитларда психологик-физиологик ўзгаришлар рўй беради. Бу жараёни ўқитувчи ҳисобга олган ҳолда ўсмир йигитларни тушуниши ва керакли маслаҳатлар бериб, уларнинг салбий таъсир кўрсатувчи оқимларга кириб кетишининг олдини олиши керак. Зеро, ўсмирлар ўзларини катта бўлиб қолгандек сезиб, ҳар хил ҳаракатларга аралашиб ўзларини кўрсатишни исташади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳозирги даврдагина эмас, балки қадимдан долзарб масала бўлиб ҳисобланган. Ота-оналар ўғилларини ҳар хил машқлар билан жисмонан чиниқтиришга, ҳунар ўрганишга ва ўз ота касбини эгаллашга ўргатиб боришган. Бу ҳақда қадимги манбалар ва Шарқ мутафаккирларининг фикрлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қадимда ўғил болаларга мустақил ҳаётга йўлланма бериш учун танловлар ўтказилган. Ундан ўта олган йигитгина оила қуришга ҳақли ҳисобланган.

Шарқ мутафаккирларининг панд-насихатларидан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга ҳар томонлама тайёрлашда фойдаланиш ҳақиқий ватанпарвар, жасур фуқароларни тайёрлаш учун асосдир.

Ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб ўқитувчиларининг ҳиссаси катта. Чунки “Адабиёт”, “Ватан туйғуси” ва бошқа фанлар ҳамда мактабдан ва синфдан ташқари ишлар жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мумкин. Мазкур масала бўйича муаллиф томонидан қорақалпоқ мактабларида олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар асосида ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашда қорақалпоқ халқининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналаридан оқилона фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Дарсликлар мазмунида, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар режасида ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан умуминсоний ва миллий кадриятлар мазмунида олға сурилган ғояларни акс эттириш ҳам муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида умумтаълим мактабларида “Ватан туйғуси”, “Соғлом авлод асослари”, “Конституция” дарсларининг киритилиши, “Оналар ва болалар”, “Соғлом авлод”, “Ёшлар йили” Давлат дастурларининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши ушбу муаммонинг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги вазифалар ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқитувчиларни бу жараёнга тайёрлаш, дастур ва дарсликлар мазмунини ҳаёт талабларига мос такомиллаштириш, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мазмуни, шакл ва методларининг самарадорлигини таъминлаш, жаҳон ва маҳаллий тажрибалардан фойдаланиш, ушбу муаммонинг илмий-методик таъминотини яратиш, ҳамкорлик педагогикасига амал қилишни тақозо этади.

II – БОБ. ЎСМИР ЙИГИТЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўсмир йигитларни таълим жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлаш мазмунини, шакл, метод ва воситалари


Ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ўқув фанларининг, жумладан, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари”, “Соғлом авлод асослари” ҳамда “Адабиёт” фанларининг имкониятлари ниҳоятда каттадир. Чунки, ўсмирларнинг шахсий ва психологик хусусиятлари шуни тақозо этади. Тажриба-синов ишлари натижасида маълум бўлдики, ўсмир бу фанлар орқали ўз ички эҳтиёжларига жавоб излайди:

- мустақил ҳаёт ўзи нима, унга қандай тайёр бўлиш мумкин?
- маънавий ва жисмоний ривожланишда кимларга тақлид қилмоқ керак?
- қандай касбни танласа, эртанги ҳаётда ўз ўрнини топади?
- қизлар билан қандай муносабат ўрнатиш мумкин?
- организмда рўй берадиган физиологик ўзгаришлар жараёнида сафдошлари ўзларини қандай тутати? Уларнинг хатти ҳаракатлари тўғрими?
- ўсмирлар қандай фазилатларни эгаллашга ҳаракат қиладилар?
- нима яхши-ю, нима ёмон деган саволга ўсмирнинг дарс материаллари, атроф-муҳит, жамоатчилик, оиладан жавоб топиши ва қиёсий таҳлил қилиши, хулоса чиқара билиши;
- ўсмирлик ёшига хос муаммолар пайдо бўлганда кимга мурожаат қилиш, суяниш, ишониши керак?
- иродасини мустаҳкамлаш, ҳаётда учрайдиган баъзи қийинчиликларни матонат билан бартараф этиш учун инсон ўзида қандай фазилатларни шакллантириб бормоғи лозим?
- ўзидан катталар, ўзидан кичиклар, устозлар, ота-она, дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш керак ва бошқалар.

Албатта, ўсмир ушбу саволларга жавоб топишида ўқув фанлари мазмунининг илмий-назарий, методик ва амалий аҳамияти муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотлар хулосасига кўра таълим мазмуни қуйидаги **тамойиллар** асосида шакллантирилмоғи лозим:

- материалнинг илмий-назарийлиги;
- ҳаёт билан ҳамнафаслиги;
- қизиқарлилиги, ўсмир ёши ва психологиясига мослиги;
- изчиллиги, тизимлилиги;
- таълим-тарбия шакли, метод ва воситаларининг ранг-баранглиги;
- таълим мазмунини ўқувчи онгига сингдириш бўйича ўқитувчи зарур маҳорат, савияга эгалиги ва синфни инновацион бошқариш даражаси;
- ўрганиладиган мавзу мазмунининг илғор ғоялар билан бойитилгани, фан-техника ютуқлари асосида шакллантирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг бирга олиб борилиши;
- ахборот-ресурс манбаларининг мавжудлик ҳолати ва бошқалар.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш самарадорлиги таълим мазмуни андозаси яратилганлиги ва шу андозага амал қилишда ўқитувчи ва ўқувчининг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Биз ушбу андозани қуйидагича шакллантириш ижобий натижа беришига гувоҳ бўлдик:



Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича таълим мазмуни андозаси

Мазкур андоза ўсмир йигитни ҳаётга тайёрлаб боришда ҳар бир дарс ёки тарбиявий тадбирни уюштириш учун **методик асос** бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, асосан соғлом, жасур, кучли ва ботир инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, бу борадаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, уни бойитиш чораларини излаш, камчиликларни бартараф этишга аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бу даврга келиб бола энди “бола” эмас ва шу билан бирга “катта” ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб бораётганини кўриш мумкин. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини баҳолаш тизими ўзгаради. Бундай ҳолатда ҳамма ўқитувчилар ҳам ёшларни тўғри тушуна бермайди.

Сабаби шу ёш даврдаги ўсмир йигитларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бугунги кунга келиб атроф-муҳитда содир бўлаётган ўзгаришлар, оммавий маълумотлар ва ахборот воситалари, ҳар хил радио эшиттиришлар, телевидение кўрсатувлари таъсири, интернет, компьютер ўйинлари алоҳида омил бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, мактаб даврида ўсмир қизларнигина эмас, балки ўсмир йигитларни ҳам мустақил ҳаётга тайёрлаш кўп жиҳатдан ўқитувчиларга ҳам боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда уларнинг имконият ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг уйғунлиги ўқувчининг мустақил бўлишига ёрдам беради.

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун тажрибаларга таянган ҳолда, ўқитувчилар умумтаълим мактабларида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари бўйича қуйидаги **вазифаларга** эътибор қаратмоғи лозим:

- ўсмир йигитларни Ватанига фидойи, жасур, соғлом, билимли ва ҳар томонлама етук, юксак ахлоқли, пок инсон бўлишга йўллаш;

- ўсмир йигитларда ўз халқининг тарихий, маданий, миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган заруриятни таркиб топтириш;
- мустақиллик шароитида ўсмир йигитларни замон талабларини англаб етишга йўллаш;
- ўсмир йигитларда ижодий фазилатларни таркиб топтириш;
- ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни таркиб топтириш;
- уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда oilанинг роли муҳим эканлигини ҳисобга олиш.

Мактабда таълим жараёнида ўғил болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Биология, зоология, анатомия фанлари дарсларида ўсмир йигитлар организмнинг тузилиши ва ривожланишидаги ўзгаришлар тўғрисида тушунчалар бериш.
2. Адабиёт, инсон ва жамият ва бошқа гуманитар фанларни ўқитишда одоб-ахлоқ масалалари таҳлил этилиши жараёнида йигитларнинг аёлларга муносабати қандай бўлиши кераклиги ёритилади.
3. Соғлом авлод асослари дарсларида никоҳ, oilа қуриш, бола тарбияси ва унинг тақдири учун жавобгарлиги қонунлар асосида тушунтирилади.
4. Жисмоний тарбия дарсларида соғлом ва бақувват бўлиш билан бирга иродали ва бошқаларга ғамхўрлик туйғулари сингдирилади.
5. Меҳнат дарсларида эса ўсмир йигитлар бажариши зарур бўлган рўзғор ишлари мукамал ўргатилади.
6. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тadbирлари жараёнида “Камалак” болалар фаолиятида иштирок этиб, юксак ахлоқий муносабатлар шакллантирилади.

Масалан, 7-синфда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув фанидан “Инсон ва табиат” мавзусини ўрганишда, “Ҳозирда инсонни ташвишга солаётган қандай экологик муаммолар бор?” мавзусида баҳс-

мунозара ўтказилиб, баҳсда асосан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, экологик маданиятни шакллантириш масаласига эътибор қаратилди.

Машғулотда: видео тасмалар ва кўргазма материаллар, савол-жавоб ёзиш учун ватман қоғоздан фойдаланилди. Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилди:

- сиз қандай экологик муаммоларни биласиз?
- экологик маданият нима?
- ўсмир йигитлар бу борада қандай ёрдам кўрсата олади?
- ҳозирги даврда қандай экологик муаммолар жаҳон даражасига кўтарилган.

Савол-жавоблар билан бошланган дарс ўсмирларда экология, экологик маданият ҳақида қизиқиш уйғотади.

8-синфда эса “Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва кашандалик, уларнинг зарарли оқибатлари” мавзусини ўрганишда инсоннинг ақлий, жисмоний камолоти кушандалари, унинг инсон организмга салбий таъсири, ичимлик ва гиёҳвандлик жиноят содир этишнинг асосий сабаби сифатида, унинг ичкилик ва гиёҳвандликка олиб борадиган йўл эканлиги ҳақида фикр юритилар экан, мутафаккирлар Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоийларнинг бу ҳақдаги фикрлари ўқиб берилади.

Шундан сўнг ўқувчиларга маст, гиёҳванд одамларнинг турли ҳолатлари туширилган расмлар экранда намойиш этилади. Болалар маст, гиёҳванд одамларнинг ирганч ҳолатлари, қиёфаларини кўриб, ўта таъсирланадилар. Савол-жавоблар асосида болалар ичкиликбозлик, гиёҳвандлик инсоннинг, инсониятнинг энг катта душмани эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Тарбиявий соатда эса бир машғулот мазкур дарснинг давоми сифатида ақли заиф, имконияти чекланган болалар интернатида саёҳат тарзида ташкил этилади. Гўдакларнинг машъум тақдири ичкиликбоз, гиёҳванд ота-она сабабли шу ерга тушиб қолганлиги ҳақида мураббий ёки болалар шифокори суҳбати уюштирилади. Ўқувчилар, айниқса ўғил болалар мазкур жойдан

оғир таассурот билан қайтадилар. “Аср фожиаси” мавзусидаги баҳс мактабда, синфда яна давом этади.

9-синфда “Халқ байрамлари, анъаналар, маросимлар” мавзусини ўрганишда “Миллий қадриятларимизни биласизми?” мавзусида баҳс-мунозара ўтказилиб, баҳсда асосан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласига эътибор қаратилди.

Машғулотда схемали кўргазма материаллар, шунингдек, “Удумларимизни биласизми?” мавзуси бўйича саволномага доир кўргазмали курул ва расмлардан фойдаланилди.

- сиз қандай удумларни биласиз?

- йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида қандай удумларимиз бор?

- ҳозирги даврда қандай удумлар қадрият даражасига кўтарилган.

- нега қадимда 13-14 ёшга тўлган ўғил болалар дарахтларнинг тўнқаларини қовлаб олиб, уни ёриб саржин қилишни машқ қилишган?

Савол-жавоблар юқоридаги мавзуга бағишланган дарснинг бир қисми бўлиб, ҳар мавзуда бундай лавҳаларни топиб қўллаш ҳам болаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини оширади, ҳам ҳақиқий ҳаёт дарсига айланиб, болалар онгида чуқур из қолдиради.

Таълим жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг самарадорлиги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга боғлиқ.

Илғор педагогик технологияни таълим тизимига тўлиқ жорий этиш учун аввало педагог кадрларни илғор педагогик технология усул ва услублари билан қуроллантириш зарур. Масалан, “Ақлий ҳужум” методидан самарали фойдаланиш натижасида ўқувчиларни ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакалар ҳосил қилишга рағбатлантирилади. “Ақлий ҳужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади. Биз юқоридаги метод бўйича “Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш” мавзусини

Ўқитувчиларга ҳавола қилдик. “Ватан туйғуси” дарси ва синфдан ташқари ишлар жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ғоялари илгари сурилди. Сабаби шуки, ҳар бир мактабда ўғил болалар тарбияси, айниқса, ўсмирлик даврида ўқитувчиларга анчагина қийинчиликларни туғдириши мумкин. Бунда педагог ўқувчининг фақат хулқ-атвориға ва ахлоқига баҳо бермасдан, психологик сабабларини ҳам билиши шарт. Ушбу методдан фойдаланишда унинг мазмунидаги қуйидаги педагогик жиҳатларга эътибор бериш лозим:

“Ақлий ҳужум” методи	
1	Ғояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтасини ёки варақларни тайёрлаб қўйиш.
2	Машғулот жараёнида амал қилиниши лозим бўлган шартларни белгилаш.
3	Қоғоз варақлари ғоялар билан тўлгандан сўнг, уларни ёзув тахтасига осиб қўйиш
4	Билдирилган фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш
5	Бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни ёдда сақлаш, уларга таянган ҳолда янги фикрларни билдириш, билдирилган фикрлар асосида муайян хулосаларга келиш каби ҳаракатларнинг тингловчилар томонидан содир этилишига эришилади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда мустақил ишлар ижобий самара беради. Мустақил иш бажариш учун ўқувчи шахсан ўзини-ўзи идора қила олиши лозим.

Педагогик технология, унинг асосий тамойиллари, янгича ишлаш усуллари, ўқитувчининг ҳамда ўқувчининг ўқув жараёнидаги ўрни, роли ҳақида билиб бориш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигини ҳосил қилиш ва вақт ораллигини қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан тўғри фойдалана олиш ва кутилган натижага

эришиши ўсмир тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, мустақил фикр юрита оладиган, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли йигитларни тарбиялаш учун замин эканлиги тадқиқотлар жараёнида ўз исботини топди.

Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, уларнинг имконият ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда улар таълими ва тарбиясига ёндашиши, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларни айниқса, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда умумтаълим мактаблари асосий роль ўйнайди. Умумтаълим мактабида оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигига эришишда махсус режа ва дастур асосида таълимий-тарбиявий ишлар амалга оширилади.

Дастур асосида ўсмир йигитларда:

- ватанга мухаббат, садоқат ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

- ўғил болаларга келажакда ҳаётдан муносиб ўрин топиши учун улуғ мақсадларга эришишида эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш;

- ўз миллий қадриятларимиз, мутафаккирларимиз меросларидан, ислом динининг мустақил ҳаётга тайёр бўлиш ва ватанпарварлик, инсонпарварлик, ота-онага меҳрибонлик ғояларидан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оқилона фойдаланиш;

- ўсмир йигитларга мавжуд кичик муаммоларни аниқлай олиш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топишида аниқ кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериб бориш;

- мактаб, маҳалла ва оила аъзоларига ҳурмат, айниқса хотин-қизларга бўлган ҳурматни шакллантириш;

- соғломлаштириш ишларини олиб бориш, ўғил болаларни жисмонан ва рухий жихатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари тарбиявий ишларда интерфаол усуллардан фойдаланиш ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ўқувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради.

Адабиёт ўқитувчилари ўқувчиларни дарс жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлаш усуллари сифатида 5-синф “Адабиёт” фанидан берилган Бердак шоирнинг “Болам” кўшиғи негизда ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

- шеър таҳлили жараёнида ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўсмир йигитларни кўшиқда берилган тарбиявий сўзлар асосида мустақил ҳаётга тайёрлаш;

Дарс жараёнида ўқитувчи қуйидаги саволномадан фойдаланади:

- Сиз ушбу кўшиқ ва муаллифнинг ҳаёти ва ижодидан ўзингизда қандай сифатларнинг шаклланишига эришдингиз?
- Шеърни таҳлил этиш жараёнида ўзингизда нималарни ҳис этдингиз?
- Шоир ўқувчини болаликдан қандай тарбия олишга чақирди?
- Шоирнинг қимматли сўзлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган деб ҳисоблайсизми? Уларнинг сизнинг ҳаётингиздаги ўрни қандай?

Адабиёт фани бўйича ўқитувчиларнинг ўқувчиларни дарс жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлаш методлари хилма-хил. 6-синф “Адабиёт” фанидан берилган “Алпомиш” достони асосида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш юзасидан бу дарсни айниқса ноанъанавий методда ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- Ўқувчиларда дostonдаги қаҳрамон Алпомиш каби мард, жасур, ўз халқи, юрти ва севган ёри учун курашадиган бўлиш, ватанпарварлик, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

- ўсмир йигитларда ботирлик, меҳнатсеварлик, кучли ирода ва Ватанга фидойилик туйғуларини шакллантириш.

Дарс давомида ўсмирларда Алпомиш ким? Қоражон ким? Нима учун Алпомиш билан Қоражон курашади?-деган саволларга жавоб топиш замирида ўзларида Алпомишга хос хусусиятлар пайдо бўлди.

Буни саволларга ўқувчилар берган жавоблар мазмунидан ҳам билиш мумкин. Масалан,

Ўқувчи Батирбай Алиев (Нукус шаҳри, 7-мактаб, 6^а - синф):

- “Алпомиш” дostonида ўсмир йигитларга хос ахлоқий хислатлар берилган. Дostonнинг бош қаҳрамони Алпомишдек мард, жасур, довюрак бўлиш ҳар бир ўғил боланинг орзуси. Уни фақат орзу қилмасдан, унга ўхшашга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун ҳозирги замон болалари аввало яхши ўқиши, одоб-ахлоқли бўлиши ва жисмонан чиниқиши лозим.

Ўқувчи Руслан Арзиев (Хўжайли тумани, 71-мактаб, 5^б -синф):

- “Алпомиш” дostonида йигитларга хос мардлик, жасурлик, дўстлик, ватанпарварлик каби хислатлар ифодаланган. Дostonда фақат мардлик эмас, балки халқимизнинг илм-ҳунар ўргатишга оид тажрибалари ҳам ўз ифодасини топган.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини қуйидаги методлар таъминлади:

Қиёслаш методи. Бунда ёзма адабиётлардаги маълумотлар ва уларнинг фалсафий, тарихий, психологик томонлари ҳозирги даврдаги амалиёт билан таққосланди.

Кузатиш методи. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрланиш жараёни амалда кузатилди. Ўсмир йигитлар оилада, мактабда мустақил ҳаётга қандай тайёрланаётгани суҳбат, ролли ўйинлар, маърузалар, ёзма ишлар воситасида кузатилди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёр эканликларини қуйидаги **талаблар** асосида белгилаш мумкин:

- самарали мулоқот кўникмаларига эга бўлиши;
- умумтаълим мактабларида фан асосларини ўқитиш даврида олган билимларини амалиётда қўллай олиши;
- ўз-ўзини баҳолай олишни билиши;
- ўзини-ўзи ҳар томонлама намоён қила олиши;
- турли ҳаётий вазиятларда тез ва самарали қарор чиқара олиши;
- шароитни таҳлил қилиш орқали улардан чиқиб кета олиши ва ҳоказо.

Таълим жараёнида ташкил этилган мустақил ишлар олган назарий билимларини янада мустаҳкамлади. Чунки дарс мавзуси доирасида олинган тарбия қирраларининг шаклланиши амалиётда муҳим метод ҳисобланади.

Мустақил ишлар жараёнида ўсмир эгаллаган билим узоқ муддат эсан чикмайди, уларда фаоллик, мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодкорлик каби сифатлар шаклланади. Ўсмир дунёқараши кенгаяди, ўз фикрини баён этиш кўникмалари шаклланади.

Ўсмир йигитларни дарс жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлашда мустақил ишнинг турли **шакллари**дан фойдаланиш мумкин. Улар:

- дарслик, методик қўлланма билан ишлаш;
- мавзуга оид материални ўқиш, таҳлил этиш, асосий тарбиявий ғояларни ажратиб олиш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқариш;
- муаммоли вазиятни ечиш, дидактик ўйинлар ташкил этиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш;
- ижодий ишлар;
- ОАВ, интернет материалларидан фойдаланиш;
- ёзма ижодий ишларни уюштириш;
- ахборот-ресурс марказларидан фойдаланиш.

Тажриба-синов ишлари жараёнида мустақил ишлар орқали ўсмирларда қуйидаги **сифатларни шакллантиришга** эришилди:

- ўз-ўзига, ўзининг келгуси фаол ҳаётига ишонч;

- йигитлик бурчи – ватан, оила, эътиқод ҳимоячиси эканлигини англаб етиши;

- ижодкорлик, ташаббускорлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик сифатларининг пайдо бўлиши;

- отанинг оиладаги бурч ва вазифаларини билиши;

- касбга қизиқиши, аждодларнинг оила, ватан, миллат олдидаги бурч ва вазифаларининг тарихий-тадрижий хусусиятларини билиши;

- катталарга ҳурмат, кичикларга меҳрибонлик, эҳтиром;

- сабр-қаноатлилик, ҳалоллик, меҳр-оқибатлилик;

- фикр теранлиги, дунёкараш кенглиги, мулоқот маданияти, теран фикрлилик;

- маънавий ва жисмоний соғломликнинг шахс камолоти, келажагидаги роли;

- турли иллатлар: ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, эътиқод носоғлигининг шахс ҳаётига салбий таъсири;

- оналарга, хотин-қизларга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром, ғамхўрлик ҳиссининг юксаклиги;

- она – Ватани ва ўз халқига бўлган муҳаббат туйғуси ва бошқалар.

Ўсмир йигитларда шакллантирилган ушбу сифатлар дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида янада мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. Бу жараёнда оила, жамоатчилик ҳамда ННТ лар ҳамкорлигини таъминлаш ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини таъминлади. Бу ҳақда биз навбатдаги бандда фикр юритамиз.

Ўсмир йигитларни мактабдан ва синфдан ташқари ишлар жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш узлуксиз таълим тизими орқали шакллантирилишини назарда тутган ҳолда, умумий таълим ва мактабдан

ташқари таълим муассасаларининг асосий вазифалари сифатида ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олиши, ахлоқий фазилатлар, меҳнат кўникмалари, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш ва касб танлашни шакллантириш каби йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, “Умумий ўрта таълим муассасалари ота-оналар кўмитаси тўғрисида” Низоми, “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” Концепцияси, “Таълим муассасалари синф раҳбари тўғрисида” Низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам ёшларни дарсдан ташқари вақтда мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилган.

Ушбу ҳужжатлар ёшлар тарбияси ва уларнинг маънавияти, маданияти ҳамда мустақил ҳаётда ўз ўрнини тўғри топиб, ўз бахтига ва ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишига, эл олдида ўз масъулиятини сеза оладиган, инсонпарвар бўлишига қаратилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга, Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, оила, маҳалла кўмиталари, “Камолот” ЁИХ, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қилишларига алоҳида эътибор берилган. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда уларни мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида касбга йўналтириш бугунги куннинг маънавий-маърифий, мафкуравий, тарбиявий зарурати ҳисобланади.

Лекин маълум даврда ўқувчи-ўсмирлар, айниқса ўғил болаларнинг касб-ҳунар эгаллашларига юзаки қараб келинди. Тўғри, мактабларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари олиб бориларди, машғулотлар ҳам ўтказиларди, ҳатто йирик мактабларда касб-ҳунар хоналари, тикувчилик, дурадгорлик, металл ишлари бўйича устахоналар ҳам мавжуд бўлган. Улар мактабларда мунтазам фаолият юритар эди. Бироқ касб-ҳунар таълимининг самараси йўқ

эди. Ҳатто юқори синф ўқувчилари “эгаллаган” касблари бўйича ишлаб кета олмас эдилар. Чунки уларга мактабда ўргатиладиган касб-хунарлар амалиёт билан боғланмаган бўлиб, эски асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устахоналарда ўргатиладиган эди. Ўқувчилар амалиёт учун завод-фабрикаларга юборилганда эса, у ердаги раҳбарлар уларга мураббийлар биркитирмасдан, касб-хунарни яхши ўрганишларига лоқайдлик билан қарар эдилар. Натижада ўсмир йигитлар бирор касб-хунарни тўлиқ ўрганмай туриб, ҳаётга қадам қўяр эдилар. Ўсмир йигитларни касб-хунарга йўналтиришда касб-хунар ўргатишнинг шарқона усуллари, халқимизнинг бу борадаги қадимий анъаналари, тажрибаларини ўрганиб, уни турмушга кенг татбиқ этиш самаралироқ бўлади. Зеро, халқнинг ҳаёт тарзига мос, кундалик турмушда зарур бўлган юзлаб касб-хунарлар устоз-шогирд усулида авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Халқимизнинг касб-хунар ўргатиш борасидаги анъанавий усуллари бугунги кунда ҳам ғоят долзарбдир. Чунки, шогирдлар устозлардан касб-хунар ўрганиш билан бирга, ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, инсонийлик хислатларини ҳам ўргана борадилар. Бу борада маҳалла, мактаб, оилаларда ташкил этилган касб-хунар ўргатишнинг анъанавий усуллари - “устоз-шогирд” шакли айнан ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда қўл келмоқда.

Лекин, ўсмир йигитлар учун маиший хизмат, техникага оид энг зарур, ҳар куни, ҳамма учун керакли касблар ҳам борки, буни албатта билим даргоҳида, политехник таълим жараёнида амалга оширилади.

Ўсмир ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ҳамкорлик педагогикаси асосида уюштирилган синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар маълум талабларга жавоб бериши лозимлигини тадқиқот натижалари тасдиқлади. Яъни;

- тарбиявий тадбирнинг режали, мақсадли, изчил, тизимли ўтказилиши;
- тарбиявий тадбирни ҳамкорлик педагогикаси асосида ташкил этиш;

- ўсмир йигитларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

- тарбиявий тадбирларнинг ўсмир йигитлар қизиқиши, майли, интилишларига жавоб бериши;

- ҳаётий муаммоларнинг ечимини топишга йўналтирилганлиги;

- таълим жараёнида олинган ахлоқий-маънавий билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, тўлдириш ва ривожлантириш;

- Ватан ҳимоячиси, оила бошлиғи, жамиятнинг фаол фуқароси бўлишга тайёр туриш.

Тадқиқотлар жараёнида биз синфдан ва мактабдан ташқари олиб борилган тарбиявий ишларни мазмунан самарадорлигига қараб қуйидаги қатор гуруҳларга бирлаштирдик:

- яқка тартибда олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар;

- маълум бир гуруҳ билан ўтказиладиган тадбирлар;

- оммавий тадбирлар; (Республика, халқаро миқёсда ташкил этиладиган кунлар, марафонлар, мусобақалар ва б.қ. Масалан, бутун дунё ОИТСга қарши кун, спорт марафонлари ва б.);

- қизиқишларига кўра маълум бир гуруҳ ўсмир йигитлар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар;

- ўтказилиш жойига кўра оилада, маҳаллада, мактабда, ННТларда ташкил этиладиган тарбиявий ишлар ва бошқалардан иборатдир.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оила муҳим пойдевор ҳисобланади. Ушбу муаммонинг самарали ечимини топишда қатор **омилларга** эътибор бермоқ лозим:

- оиланинг жамиятда тутган ўрни;

- оиланинг ижтимоий-маънавий ҳолати (зиёли, тадбиркор, деҳқон, катта, кичик ва ҳ.к.);

- ота-оналарнинг педагогик маданияти даражаси;

- оилада бошқариш тизимининг ҳолати.

- оила сулоласининг тарихи, бугуни;

- оилада ота-она, оила аъзоларининг муносабатлари;
- оилада эркак кишининг ўрни;
- оила аъзоларининг мақсад ва маслак мутаносиблиги;
- оиланинг моддий таъминоти;
- оила бюджетининг мавжуд ҳолати ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажрибага эғалик;
- оила аъзоларининг маиший турмуш даражаси;
- оиланинг қўшимча даромад манбаига эғалиги каби моддий омиллар;
- оиланинг демократик тамойиллари ва ўзаро ҳурмат асосида бошқарилиши;
- оила аъзоларининг физиологик, психологик хусусиятлари;
- оила аъзоларининг қизиқиши билан эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносиблик;
- оила аъзоларининг ижтимоий келиб чиқиши ҳамда касбий фаолиятлари ўртасидаги мутаносиблик;
- фарзандлар тарбиясини ташкил этишдаги тажриба ва методлар;
- оилада меҳнат тақсимооти анъаналари.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича оилада, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб бориладиган тарбиявий ишларни ташкил этишнинг самарадорлиги ота-оналарнинг педагогик ва психологик тайёргарлигига боғлиқ. Бу ўринда оила педагогикаси асосида турли касб эгалари бўлган ота-оналарни шу жараёни ташкил этишга тайёрлаш зарур. Бунинг учун оила педагогикаси олдида қуйидаги вазифалар туради:

- сиёсий, миллий мафкуравий қадриятларни ўғил-қизлар тафаккурига сингдиришнинг мақбул шаклини ўргатиш;
- ёш ота-оналарни ўсмирлар тарбиясига ғоявий ва услубий тайёрлаш.
- оила педагогикаси орқали ота-оналарни фалсафа, сиёсатшунослик, тарих, социология, ижтимоий психология, маънавият, ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол ғояси фанлари ютуқлари билан таништириш;

- оила тарбияси бўйича амалга ошириладиган илмий тадқиқотларда олға сурилган тарбиявий ғоялар билан ота-оналарни қуроқлантириш;

- ота-оналарни маънавий тарбиянинг миллий ва умуминсоний ютуқлари моҳияти, илғор тажрибалар билан таништириш;

- ўсмир йигитлар психологияси, физиологияси ҳақида илмий-назарий ғояларни уларга етказиш;

- ўсмир йигит тарбиясида ҳамкорлик педагогикаси мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари ҳақида маълумотлар билан қуроқлантириш.

Ота-оналар ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда қуйидагиларга амал қилишлари мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

- ўсмир йигит билан самимий алоқа ўрнатиш;

- унинг “Мен”ини ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлиш ва ўз-ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

- ўсмирга талаб қўйганда унинг имкониятларини инобатга олиш, муаммоларига бефарқ бўлмаслик;

- ўсмирни ҳаётда муаммоларни қийинчиликларсиз ҳал қилишга ўргатиш;

- ўсмирни касбга йўналтириб, таълим тизими ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини амалга ошириш;

- соғломлаштириш ва жисмоний тарбия, спортга жалб этиш орқали уларни ҳаётга жисмонан соғлом қилиб тайёрлаш;

- оилада соғлом муҳит яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнатқ бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанига меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш;

- ўсмирларга ахлоқий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;

- фарзандларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- фарзандларда тежамкорлик ва ишбилармонликнинг маънавий-ахлоқий томонларини шакллантириш;

- санитария-гигиеник, экологик кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбияни амалга ошириш кабилар киради.

Тадқиқотлар жараёнида ота-оналарга ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича эсдаликлар ишлаб чиқилиши ва берилиши мақсадга мувофиқлиги ўз исботини топди. Биз мазкур эсдаликларни қуйидагича тавсия этдик:

Ота-оналар учун ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича эсдаликлар

1. Фарзандингизга ўзингизнинг ўсмирлик даврингиздаги чиройли хотираларингиз ҳақида гапириб беринг.

2. Ўсмирга халқ педагогикаси, маънавий меросимизда йигитлар жасорати ҳақидаги намуналардан, намунали тенгдошлари ҳаётидан ҳикоя қилиб беринг.

3. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида зарур ахборотларни эгаллашда ёрдам беринг (Тасодифан ўзгариш пайдо бўлганда ўзини йўқотиб қўймаслиги учун).

4. Ўсмир йигитни шахсий гигиена талабларига риоя этиш, ўз шахсий буюмларини, хонасини, ўқув анжомларини саранжом-саришта қилишга ўргатинг.

5. Ўсмир йигитни оила, маҳалла, мактаб ва жамоат жойларида баъзан учрайдиган тасодифий ҳодисалар, қийинчиликлар ва омадсизликларда ўзини йўқотмасликка тайёрланг, бундай ҳодисалар билан қўрқитманг.

6. Ўсмир йигит учун зинҳор зулмкор ота-она бўлманг, балки қаттиққўл мураббий, самимий тенгдош, сирдош дўст сифатида муносабатда бўлинг.

7. Ўсмир йигитни омадсизликни тўғри қабул қилишга, уни бартараф этиш йўллари тўғри белгилашга ўргатинг.

8. Ўсмир йигитда ўзига ишонч туйғусини шакллантиришда ёрдамлашинг.

9. Уларни мустақилликка, мустақил қарор қабул қилишга, ўз фикрларини эркин баён этишга, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга ўргатинг.

10. Ўсмир йигитни ҳалол меҳнат қилишга, касб эгаллашга, ҳунар ўрганишга, политехник билимларга эга бўлишга, бажарган меҳнатидан завқланишга одатлантиринг.

11. Ўсмир йигитни оила юритиш сирлари, оила бошлиғи, оилада эркак кишининг вазифа ва бурчлари билан таништиринг.

12. Ўсмирни қийинчиликлардан қўрқмасликка ўргатинг

13. Оналарга, қизларга, хотин-қизларга ҳурмат, кексаларга иззат, ўзидан кичикларга муҳаббат руҳида тарбияланг.

14. Ўсмир билан муносабатда унинг ўзига хос ва психологик хусусиятларини инобатга олинг.

Бугунги кунда ўсмир йигитларнинг камол топишида кўпгина тарбиявий омиллар: мактаб, оила, маҳалланинг ўзаро ҳамкорлигига муҳтожлик тобора кучаймоқда. Мактабдаги тарбиявий ишлар педагогик жиҳатдан малакали, мақсадга мувофиқ омилларга ҳамда кенг имкониятларга эга. Тадқиқотлар бошида аниқлашимизча, мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар эса кўпинча педагогик-психологик қоидаларга амал қилинмаган, мактаб томонидан қўйиладиган талаблар билан келишмаган ҳолда амалга оширилган. Оқибат натижада мактаб томонидан ўтказилган тарбиявий ишлар ўз кучини йўқотади. Шунинг учун ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашдаги фаолиятни ошириш мақсадида замон талабидан келиб чиққан ҳолда зарур методикани ишлаб чиқишда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигининг **мазмунини аниқлаш ва мақсад, вазифаларини** белгилаш муҳимдир. Бу ўринда:

- мактаб, оила, маҳалланинг ҳамкорликда ўзаро фаолият олиб бориши;
- ҳамкорликдаги фаолиятнинг зарурлиги, имкониятлари, вазифалари ва афзалликларини тўғри англаш;

- ўсмир йигитларнинг ахлоқ-одоб қоидалари юзасидан мактаб, оила, маҳаллаларда бир хил талабнинг қўйилиши;

- маҳаллий шароитлар, қишлоқ ёки шаҳар тарихи, унинг географик жойлашиши, табиати, аҳолининг турмуш тарзи ва фаолиятини ҳисобга олиши;

- тарбияда изчиллик, узвийлик ва кетма-кетлик тамойилига амал қилиш;

- ўсмир йигитларнинг ўз-ўзини бошқариши, ташаббускорлигини баҳолай олиш, ижодкорлик қобилиятини ҳисобга олиш ва буларга таяниш;

- ўсмир йигитларнинг мактабда, оилада, маҳаллада бўладиган барча тарбиявий ишларга қатнашишини таъминлаш каби масалаларга катта эътибор бериш мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда маълум бир тизим асосида иш олиб бориш имкониятини туғдириши мумкин.

Тадқиқот жараёнида мактаб ва оилада ўсмирларга йўналтирилган фаолият қуйидаги шакллар асосида ташкил этилган тақдирда самарали натижа бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик:

1) “Мустақиллик”, “Ҳаёт”, “Мустақил ҳаёт” тушунчалари бўйича ўқувчиларнинг ўз фикрларини билиш учун суҳбатлар ташкил қилинди. Оилада шахсий гигиенага амал қилиш, саломатлик, оилада ота-отанинг роли, ота-онанинг фарзанд билан муносабатлари, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, рўзғор сирларини билиш, телевидениедаги кўрсатувлар муҳокамаси, оилада ўғил болаларнинг бурчлари каби мавзуларда уюштирилган баҳс-мунозаралар.

2) “Ўсмир йигитларнинг ўзига хослиги”, ўсмирлардаги физиологик, психологик ўзгаришлар, шифокор суҳбатлари, дефектолог суҳбатлари. Ҳарбийлар билан учрашувлар ўтказиш. “Сен бўлажак оила бошлиғи” мавзусида давра суҳбати.

3) Телевидениедаги қайси кўрсатувлар ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлайди? Сиз қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз? каби мавзуларида телевидениедаги кўрсатувларни муҳокама қилиш.

4) “Полвонлар”, “Мен катта бўлганимда”, “Мен мактабда, оиламда ва маҳаллада кимдан нимани ўрганишим керак?” мавзуларида кўрик – танловлар ташкил этиш.

5) Ота-оналар билан шифокор суҳбатлари. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари билан биргаликда рейд ташкил қилиш. Маҳалладаги ободонлаштириш ишларини олиб бориш (гул экиш, кўчат экиш бўйича мусобақалар). Баҳорда болаларни кўчат экиш, ер чопиш ишларига жалб қилиш.

6) Ўсмир қизлар ва ўсмир йигитлар ўртасида “Чакқонлар”, “Мохир кўллар” кўргазмасини ташкил этиш.

7) Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда “Бўш вақтим бўлганда”, “Бўлажак оила бошлиғи бўлишга ўзимни қандай тайёрлашим керак?” мавзуларида тренинглар ўтказиш.

8) “Менинг идеалимдаги ота”, “Менинг ҳаётимда спортнинг роли”, “Оила бошлиғи қандай бўлиши керак?”, “Касбим-фахрим” мавзуларида баҳс-мунозаралар ўтказиш ва б.

Тажриба-синов ишлари жараёнида олиб борилган тарбиявий ишлар орқали ўсмир йигитларда аввало мулоқот маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Мулоқот жараёнида ўсмирларнинг:

- Суҳбатдош учун қизиқарли мавзуларни топа олмаслиги;
- Нутқи (матн) нинг тушунарсизлиги;
- Ташқи омилларнинг (шовқин, шароит, вақт, жой) таъсири;
- Мулоқот жараёнидаги шароитни тўғри баҳолай олмаслик ҳолатлари аниқланди ва тажриба ишлари жараёнида уни бартараф этишга ҳаракат қилинди.

Бу борада ўсмирларнинг етарли билимларга эгалиги; ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиши; шахсий муаммосини ҳал этиш йўл, воситаларини танлашда атрофдаги (манба, шахс, восита ва ҳ.к.)ларга мурожаат қилишни билиши; вазиятни таҳлил қила олиши; ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи ўртасида тўсик “девор” бўлмаслиги;

ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи ўртасида дўстона муносабат бўлиши каби омилларга амал қилиш талаб этилди.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишда, амалий машғулотларда турли мавзуларда мунозаралар ўтказиш, ўқувчилар билан гуруҳларга бўлиниб маҳалладаги беморлар хонадониди таъмирлаш ишларига ёрдам уюштириш, тўй-маъракаларда ёрдам бериш, маҳалладаги ўсмир йигитларнинг бўш вақтини ташкил этишда маҳалла фаоллари билан режа тузиш, ўсмир йигитларнинг саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказиш, ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликнинг олдини олиш учун махсус болалар мактаби, гўдаклар уйига экскурсиялар уюштириб, ота-оналари қилмиши туфайли шу масканга тушиб қолган болалар ҳаёти билан таништириш, мазкур муассасалар мураббий ва болалар шифокори билан суҳбатлар уюштириш, маҳаллада ташкил этиладиган байрамлар (“Наврўз”, “Хотира ва кадрлаш куни”, “Мустақиллик” байрами ва бошқа байрам, ҳайитлар), “Ҳашар”ларда иштирок этиш, энг илғор маҳалла фаолияти билан танишиш, ўқувчилар саройи, ёшлар ижодий уйида ва бошқа жойларда ташкил этилган тўгаракларда қатнашиб турли ҳунарларни ўрганишларида ҳам мактаб ўқитувчилари, ҳам ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамкорлиги ижобий натижалар берди.

Мазкур жараёнда ўсмир йигитлар билан ўтказиладиган лойиҳали ўйинлар уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим рол ўйнади. Масалан, биз ўсмир йигитларда мустақил ҳаёт ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида тажриба гуруҳларида “Мен ўсмир йигитман” мавзусида лойиҳали ўйин уюштирдик.

Ўйин қоидалари: метаплан тарқатилади. Назоратчи ўйин қоидасини тушунтириб ўтади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг расмини чизиб, ўзида қандай сифатлар борлигини стрелка билан кўрсатиб ёзиб чиқади. У ўзини мустақил ҳаётга қандай тайёрлигини ифодалайди. Устоз ва ўқитувчиларининг

ёрдамисиз нималар қила олиши ва мустақил ҳолда ўзининг қўлидан нималар келишини ёзадилар.

“Келажак ҳақидаги тасаввурим” мавзусидаги ўйин методикаси эса, ўсмир йигитларнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёрлиги аниқланади ва болаларнинг келажакдаги мақсадлари, тасаввурларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўйин талаблари қуйидаги тартиб асосида ташкил этилди:

қ\с	2009 йил	2019 йил	2029 йил
1	Бугун мен нимани билиб олдим? Мен жисмоний ва маънавий соғломман	Мен қандай инсон бўламан?	Қандай тасаввурларим бор.
	Мустақил ҳаёт нима? Ҳаётдаги шиорим? Мен севган касб.	Қандай сифатларга эгаман?	Қандай оила бошлиғи бўламан?

“Келажак ҳақидаги тасаввурим” ўйини

“Мен мактабда, оиламда ва маҳаллада кимдан нимани ўрганишим керак?” мавзусидаги ролли ўйин машғулоти орқали ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ўзаро дўстона муносабатни шакллантиришга эришилди.

Ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга – мактабдаги,

Иккинчи гуруҳга – оиладаги,

Учинчи гуруҳга – маҳалладаги ҳаётини вазиятларни саҳналаштириш топширилди. Ҳар бир гуруҳда сардор сайланди. Сценарийни ўқувчиларнинг ўзлари ишлаб чиқиши ва гуруҳ сардори ролларни тақсимлаши керак. Ташкил қилинган бундай вазият ўқувчиларга ўзларининг қизиқтириб юрган масалани муҳокамага чиқаришга ёки ҳаётда кўрган воқеаларни саҳналаштиришларига имкон берди.

Биринчи гуруҳ танлаган вазиятини сахналаштириб, намойиш этганда бошқа гуруҳлар кузатиб ўтиради. Гуруҳ сардори нима учун сценарийни бундай сахналаштирганини изоҳлаб беради. Сўнгра куйидаги саволларга гуруҳ аъзолари жавоб беради:

1. Нима учун мавзу номини бундай танладингиз?
2. Бу кўринишнинг ўқувчи ҳаётига қандай таъсири бор?
3. Сиз бу жараёндан қандай таассурот олдингиз?
4. Сиз мустақил ҳаёт ҳақида тушунчага эгамисиз?
5. Сиз оила бошлиғи бўлганингизда жамият ва оила учун нима қилар эдингиз?

Кейин бошқа гуруҳга навбат берилади.

Бундай ролли ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Кимдан нимани ўрганиш кераклигини, инсонларнинг яхши, ёмонлигини ажрата олишни ўрганишда кўмаклашади. Бир-бирини ҳурмат қилишга, дўстона муносабатда бўлишга ўргатади.

Ўсмир йигитларда мустақил фикрлаш, нутқ маданиятини ривожлантириш, фикр алмашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш асосида ҳар томонлама баркамол, талабчан, жамиятга керакли инсон қилиб шакллантириш ҳамда ўсмирларни ёмон иллатлардан ҳоли бўлишини таъминлаш мақсадида таълим жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг самарали усул, метод ва дастуридан унумли фойдаланиш самарали натижалар берди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида интерфаол методлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлди.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда таълим жараёни, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарали шакл ва методларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёни самарали ташкил этишда ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳаллада ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг аҳволини билиш, уларнинг бу борадаги билим, тасаввур ва малакаларини аниқлаш, мактабдаги дўстлари, устозлари, айниқса, ота-оналарга нисбатан ҳурматда бўлиш даражасини, оиладаги ўрнини билиш, маҳаллада юриш-туриши, уларнинг физиологик-гигиеник ва педагогик-психологик жиҳатларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларини, педагогик тамойиллар, омиллар, шарт-шароитларни аниқлаш замирида, уни аниқ мақсад, режа, дастур асосида ташкил этиш муаммонинг самарали натижасини таъминлаш гаровидир.

Айниқса, ўсмир йигитнинг қизиқишлари, ички эҳтиёжи, тарбия қирраларини ажратиб олиш, махсус андоза асосида таълим жараёнини ташкил этиш, бу жараёнга ўқитувчини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим-тарбия жараёнини биргаликда олиб бориш, таълим-тарбиянинг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдаланиш, уни инновацион бошқариш, педагогик технологиянинг илғор,

мақбул жиҳатларини ўқув-тарбиявий ишлар жараёнига олиб кириш, ушбу жараёнда ўсмир онгига сингдириладиган тарбия мезонларини аниқлаш ва унинг натижасини баҳолаш, мониторинг олиб бориш, ўсмирларнинг эгаллаган маънавий- ахлоқий сифатларни амалиётга жорий этиш малака ва кўникмаларига эга бўлиши уларнинг жамиятда фаол фукаролар бўлиб этишишлари кафолатидир.

Таълим жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг самарадорлигини таъминлашда мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш, мактаб, оила, маҳалла, ННТлар ҳамкорлиги негизида олиб бориладиган қизикарли, ранг-баранг, мазмундор тарбиявий тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тарбиявий ишлар ўсмир йигитлар дунёқараши, ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги, ижодкорлиги, фаол турмуш тарзига, касбга йўналганлиги, оила бошлиғи, эртанги оталик бурчи ва вазибаларига масъулият ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда дарс материаллари билан дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмунан изчиллиги, тарбия шакли ва методларининг мутаносиблиги, хилма-хиллиги, самарадорлиги, ўсмир ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши, оила, мактаб, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги механизмининг шаклан ва мазмунан илмий-назарий ва методик уйғунлиги тадқиқотлар жараёнида ўз исботини топди.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда қадимги ва ўрта аср мутафаккирларининг педагогик қарашлари асос бўлиб, қадриятларимизни миллийликни англашимизга янада долзарблик касб этади.

Таълим жараёнида “Ватан туйғуси”, “Адабиёт” дарсликлари асосида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ўқув жараёнининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш муҳим бўлиб, бу давр уларнинг физиологик ўзгариш даври ҳисоблансада, ҳали ўсмирлар маънавий-ахлоқий жиҳатдан, ўз-ўзини бошқариш, ҳимоялаш, қийин вазиятлардан

чиқиб, тўсиқларни енга олишга тайёр бўлмайди. Шунга кура уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш зарур бўлиб ҳисобланади.

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда таълимнинг инновацион усулларида, таълимий-ахлоқий, ота-оналар эсдаликлари, кўргазмали-тарғибот ишларида фойдаланиш самарали натижалар берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. - 77 б.
2. Каримов И.А. Илм-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин / Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-т. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 248 – 264 б.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” – Тошкент.: “Шарқ”, 1997.
4. Абдурахмонов Абдулхай. Саодатга элтувчи билим (дин, фалсафа, маънавият ва маърифат сабоқлари). Икки китобдан иборат қомусий, дидактик асар. Тўлдирилган 3-нашри. Т., “Мовароуннахр”, 2003. - 664 б.
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил. Хадис. 4 китоб. Арабчадан З.Исмоил тарж. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1991. – 560 б.
6. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент.: “Шарқ” 2001.
7. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик. 2-нашри. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари // Таҳрир ҳайъати: Н. Каримов ва бошқ.; Тўпловчи: Б. Қосимов; Изохлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган /. “Маънавият”, 2006. – 304 б. – (Истиқлол қаҳрамонлари).
8. Амир Темур ўғитлари (тўплам): Тўзувчилар: Б. Ахмедов, А.Аминов. – Т.: Наврўз, 1992.
9. Асланова М. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини бошқариш. – Т.:2008. – 32 б.
10. Бердақ. Қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмад таржимаси. “Ўзбекситон” нашриёти, 1998 й.
11. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. — Т.: Чўлпон, 1995. - 176 б.
12. Бўриев О., Холиков Д. Туркона анъана ва удумлар — миллат кўрки: нашр учун масъул Минхожиддин Ҳайдар. — Т.: Минхож, 1998.

13. Глобал таълим орқали дўстона муносабатдаги ўқув муҳити сари. Юнисеф – Болалар Жамғармаси. Т.: 2005. 31 б. Тузувчи: Тўрахонова С.
14. Жомий, Абдурахмон. Баҳористон Форсчадан Ш. Шомухамедов тарж. – Т.: Ёзувчи, 1997. – 112 б.
15. Ибн Сино. Тиб қонунлари. 2-нашр. – Тошкент.: “Фан” 1983.
16. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. Тошкент.: – 1999. 152-б.
17. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. Т., “Fan va texnologia”, 2008, 132 б.
18. Кайковус. / Қобуснома. Нашрга тайрловчилар: С. Долимов, У. Долимов. – Т.: “Uqituvchi” НМИУ, 2006. 42-45-бетлар.
19. Қодиров Пиримқул. Ботирлар ва бахиллар: Қиссалар ва хикоятлар: {Ўрта мактаб ёшдаги болалар учун}. – Т.: Чўлпон, 1994. 17 б.
20. Қорабаев Усмон. Ўзбек халқ ўйинлари. “Санъат” нашриёти; Тошкент – 2001. 56 б.
21. Қурбонов, Турсунали. Ота бўлиш осонми ёхуд ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий-педагогик асослари/ Турсунали Қурбонов. Т., – Маънавият, 2007. – 216 б.
22. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима (Шайх) Алоуддин Мансур. 130 б.
23. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур: (Ўқув қўлланма). – Т.: “Ўқитувчи”, 1999.– 200 б.
24. Муҳаммад Камол. Ўғлимга 12 насиҳат. Т.: “Истиқлол”нашриёти, 2004. – 52 б.
25. Навоий, Алишер. Ҳайрат ул-аброр (Алишер Навоий: Тўплаб нашрга тайёрловчи: Азиз Қаюмов).- Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.- 392 б.
26. Республика умумий ўрта таълим мактабларида ўтказиладиган “Оталар мажлиси” бўйича тавсиялар. Маърифат газетаси. 2008 йил 9 апрель.

27. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти – Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.
28. Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. “Янги аср авлоди” нашриёти – матбаа марказида тайёрланди, 2004 йил. 111 б.
29. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг” (Сўз боши муаллифи Б. Тўхлиев; Рассом Ш. Муҳаммаджонов). – Т.: Юлдузча, 1989, 32-33бетлар.
30. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби: Психол.ф.д. проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. (ЮНЕСКО, ЮНПФА лойиҳаси асосида) – Т.6 Меҳнат, 2001. – 192 б.
31. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри / Тузувчи М.Махмудов. –Т.: Халқ мероси, 1993. – 224 б.
32. Қорабоев У. Ўзбек халқ ўйинлари. – Т.: Санъат, 2001. – 56 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I боб. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари

Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	6
Шарқ мутафаккирларининг ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасидаги қарашлари.....	14
Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг амалиётдаги ҳолати.....	31

II – Боб. Ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш технологияси

Ўсмир йигитларни таълим жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлаш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.....	42
Ўсмир йигитларни мактабдан ва синфдан ташқари ишлар жараёнида мустақил ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги.....	54
Хулосалар.....	67
Фойдаланилган адабиётлар	70